Ключевые слова: радиационная безопасность, радиоактивные отходы, радиоактивное излучение, объекты опасных производств.

Key words: radiation safety, radioactive waste, radioactive radiation, objects of dangerous manufacture.

Маълумки, радиоактив чикиндиларнинг салбий таъсирларининг олдини олиш атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ барча турдаги саъй-ҳаракатларнинг асосий ўзагини ташкил этади. Бу борада амалдаги соҳага доир қонун ҳужжатларини татбиқ қилиш масаласи ҳам айна вақтда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундай долзарблик, аввало, бугунги кундаги ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳага доир тараққиёт суръатлари билан асосланилади, яъни ишлаб чиқариш объектлари қўламининг кенгайиши, атроф табиий мухитга нисбатан инсонлар томонидан салбий ёндашувларнинг ҳали-ханау сақланиб қолинаётганлиги, ушбу чикиндиларнинг зарарли таъсирларининг олдини олиш ишларини самарали олиб боришга тўсиқ бўлиб келмоқда.

Таққослаш учун шуни назарда тутиш лозимки, бизнинг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги миллий қонунимизда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш, зарарсизлантириш ҳамда кўмиб ташлаш чоғида экология талабларига, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни қўллашнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари, мазкур нормативлардан ошиб кетилган тақдирда радиация ва кимёвий хавфсизликни таъминлаш идораларини дарҳол хабардор этишлари шарт, деб белгилаб ўтилган (42-модда) [1] бўлса, атом энергиясидан фойдаланишда радиациявий хавфсизликни таъминлашга таъсир кўрсатадиган Россия Федерациясининг 1999 йилда қабул қилинган “Аҳолининг тиббий-эпидемиологик хотиржамлиги тўғрисида”ги Қонунда аҳолининг турмуш фаровонлиги ёки фаровон эмаслиги омиллари ҳамда инсонга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар билан бир қаторда, ионлаштирувчи нурланиш манбалари ҳам санаб ўтилади. Аммо соҳага тааллуқли Россия қонунининг шундай талабни ўрнатадиган кўпгина моддалари ҳавола характерига эга.

Фикримизча, мамлакатимиз ҳудудида радиактив моддалар ва улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган чикиндилар ҳамда уларнинг салбий таъсири оқибатида вужудга келадиган ионлатирувчи нурланиш хавфининг хилма-хиллиги билан боғлиқ ҳолда ва улардан аҳолини қафолатли муҳофаза қилиш мақсадида, бизда ҳам шу каби қонун ости ҳужжати, яъни “Аҳолининг тиббий-эпидемиологик хотиржамлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар Дастури” ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим. Чунки, айна пайтда, саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг борган сари тараққий этиши натижасида радиоактив чикиндилардан фойдаланиш, уларни сақлаш, ташиш, утилизация қилиш ёки бошқача усулларда ушбу чикиндиларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ салбий оқибатлар аҳоли саломатлигига жиддий хавф солмоқда.

Ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши тавсия этилаётган “Аҳолининг тиббий-эпидемиологик хотиржамлиги тўғрисида”ги Дастурда атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг тиббий-эпидемиологик экспертизасини ўтказиш назарда тутилади. Ионлаштирувчи нурланиш манбаи бўлган маҳсулотлар, шу жумладан, радиоактив зарралар унб қолган кийим-кечаклар ва товарлар, шунингдек, тиббий-гигиеник нормативларга кўра, радиоактив моддалар мавжуд деб ҳисобланган қурилиш хом ашёлари ва материаллар ҳам экспертизадан ўтказилиши керак.

Давлатларнинг радиоактив чикиндилар билан муносабатда бўлиш соҳасидаги фаолияти ва мажбуриятларини шакллантирадиган асосий халқаро ҳужжатлардан бири “Радиоактив чикиндилар билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва ишлатилган ёқилги билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги қўшма Конвенция”дир. У 1997 йил 5 сентябрда Вена шаҳрида имзоланган [2]. Ушбу конвенция

ҳақида гапирганда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу конвенция билан “Хавфли чикиндиларни чегаралароша жўнатиш ва уларни йўқ қилиш устидан назорат тўғрисида”ги Базель Конвенцияси томонидан амалга оширилладиган ҳукуқий тартибга солиш доирасидан четга чикувчи масалалар тартибга солинади [3].

Халқаро ҳукуқда ишлаб чиқилган нуктаи назарларга мувофиқ, ҳукуқий тартибга солиш предмети ушбу ҳолатда (хавфли чикиндилар ва радиоактив чикиндилар) бири-бирдан аниқ фарқ қилади.

Бизнинг миллий қонунчилигимизда, хусусан, “Чикиндилар тўғрисида”ги Қонунда эса, радиоактив чикиндилар ва хавфли чикиндилар ўртасидаги фарқ кўрсатилмаган бўлса ҳам, ушбу Қонуннинг 2-моддасида фақат чикиндилар тушунчаси умумий тарзда келтириб ўтилади, яъни: “чикиндилар – ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом ашё, материаллар, хоммаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари ва ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар)”дир [4]. Шунингдек, “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда эса, чикиндиларнинг об-ҳавога таъсирининг салбий оқибатларини бартараф қилишни ҳукуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган умумий қоидалар акс эттирилади (17-21-моддалари) [5].

Базель Конвенцияси радиоактивлик хусусияти сабабли назоратнинг бошқа халқаро тизимлари, шу жумладан, юқорида кўрсатиб ўтилган радиоактив материалларга нисбатан махсус қўлланиладиган халқаро битимларнинг таъсир доирасига тушадиган чикиндиларга нисбатан қўлланилмайди.

Маълумот тариқасида айтиб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда 150 дан ортиқ давлатлар Базель Конвенциясига қўшилган. Бу “Радиоактив чикиндилар билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги тўғрисида ва ишлатилган ёқилги билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги қўшма конвенция”га аъзо бўлган давлатлар сонидан анча кўпдир. Қарийб барча мамлакатларда хавфли чикиндилар юзага келади, уларнинг фақат бир қисмига нисбатан эса, радиоактив чикиндилар билан муносабатда бўлишни махсус ҳукуқий тартибга солиш зарурати пайдо бўлади. Бунинг маъноси шуки, пайдо бўлган хавфли чикиндиларнинг фақат бир қисмини радиоактив чикиндилар ташкил этади. “Радиоактив чикиндилар билан муносабатда бўлиш хавфсизлиги тўғрисида ва ишлатилган ёқилги билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги Қўшма конвенция” 1997 йил сентябрь ойидан бери ахдлашувчи томонлар имзолаши учун очик турибди (1998 йил февраль ойининг охирида ушбу Конвенцияни фақат Европа Иттифоқининг 11 та аъзо давлати, яъни Бельгия, Дания, Финляндия, Франция, Германия, Греция, Ирландия, Италия, Люксембург, Швеция ва Буюк Британия имзоладилар). Ҳозирги кунда 34 та давлат Конвенцияга аъзо бўлган, уларнинг 21 тасида атом электр станциялари эксплуатация қилинади. Конвенцияга аъзо бўлар эканлар, томонлар ўз олдидарига шундай мақсадларни қўядилар: бутун дунёда радиоактив чикиндилар ва ишлатилган ёқилги билан муносабатда бўлиш хавфсизлигининг энг юқори даражасига эришиш ва уни сақлаб қолиш; тилга олиб ўтилган объектлар билан ишлашнинг барча босқичларида юзага келиши мумкин бўлган хавфдан ҳимояланишнинг самарали воситаларига риоя қилинишини таъминлаш; радиологик оқибатларга сабаб бўлувчи фалокатларнинг олдини олиш ва агар шундай ҳолатлар юз берган бўлса, уларнинг оқибатларини юмшатишдир.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, атроф табиий мухитни радиоактив чикиндиларнинг салбий оқибатларидан ҳукуқий муҳофаза қилиш тизими ва унинг амал қилиши механизмлари айнан халқаро ҳукуқий ҳужжатлар, шунингдек, мазкур соҳада муайян ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритган ривожланган давлатлар

конунчилигини синчковлик билан тахлил қилиш асосида янада такомиллаштирилиши лозим. Бундай зарурат соҳа бўйича миллий конун ҳужжатларининг бевосита радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ салбий таъсирлардан ҳуқуқий

муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг қонунчилик асоси сифатида биз томонимиздан юқорида тилга олинган дастур асосидагина қаноатлантирилиши мумкин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил. 1-сон, 38-модда.
2. Интернет саҳифаси: www.lawbelarus.htm
3. Интернет саҳифаси: www.kadastr.ru.
4. Арипов Д.У. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. 5-8-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 52-модда.

Мақола атроф табиий муҳитни радиоактив моддалар билан боғлиқ радиоактив чиқиндилардан ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган. Ушбу мақолада мазкур соҳадаги миллий конун ҳужжатларининг амал қилиш механизмлари ўрганилади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросам правовой охраны окружающей среды от радиационных веществ, связанных с радиоактивными отходами. В работе также изучаются механизмы действия отечественных законодательных актов в этой сфере.

SUMMARY

The article is devoted to the questions of legal protection of environment from the radiation substances connected with radioactive waste. The author of the article also studies the mechanisms of action of domestic acts in this sphere.

ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ ХОРЕЗМА

М.М.Мамбетуллаев - доктор исторических наук

К.А.Юсупов - зав. кабинетом кафедры обучения методики географии
Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: Хоразм, цивилизация, Амударё, Ахамонийлар даври, Ўрта Осиё, Сарикамиш, Акчадарё, Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Хоразм археологик-этнографик экспедицияси, Жанубий Орол бўйи, Узбой, Илк темир асри, Қуйқирилган қалъа, Кат, Тўпроққалъа, Хазарасп Антик давр шаҳарлари, Тарих, Авесто, Сиявуш.

Ключевые слова: Хорезм, цивилизация, Амударья, Ахаменидский период, Средняя Азия, Сарыкамыш, Акчадарья, по следам древнехорезмийской цивилизации, Хорезмская археологическая экспедиция, Южное Приаралье, Узбой, Ранний железный век, Кой-крылган-кала, Кят, Топраккала, Хазарасп, города античного периода, история, Авесто, Сиявуш.

Key words: Khorezm, civilization, Amudarya, Akhamenid period, Central Asia, Sarikamish, Akchadarya, Ancient Khorezm civilization, Khorezm archeologic-ethnographical expedition, Southern Aral, Uzboy, early Iran Age, Qoy qirilgan kala, Kyat, Toprak kala, Xazarasp, the cities of ancient period, history, Avesta, Siyavush.

Географическое положение Хорезма, как земледельческого оазиса, окружённого пустынями и полупустынями, обусловило его особое политическое и экономическое отношение с племенами и племенными объединениями скотоводов, населявших эти области древности Южное Приаралье, включая оазисы низовья Амударьи, нужно рассматривать как часть сако-массагетской культурной общности, населённой разными этническими группами, но имевшими общую основу. Об этом свидетельствуют как археологические данные, так и многочисленные античные источники, в которых приводятся названия различных племён, населявших степи Приаралья и называемых сакскими.

Исключительно по географическому признаку, в общем, единая в культурном отношении область Древнего Хорезма традиционно подразделяется на две части, располагавшиеся по обе стороны великой среднеазиатской реки: Левобережный Хорезм – Присарыкамьшская дельта Амударьи и Правобережный Хорезм – Акчадарьинская дельта Амударьи. Как показали проводившиеся длительное время комплексные исследования Хорезмской археологическо-этнографической экспедиции, на территории Южного Приаралья, одновременный сток по двум этим дельтам фиксируется на протяжении сравнительно непродолжительных промежутков времени [1: 16-20].

Различия в истории заселения и освоения двух областей Древнего Хорезма в эпоху раннего железного века обусловлены именно не- синхронной гидрографической ситуацией.

Культура Древнего Хорезма была открыта в результате работ 1936-1937 гг. археологов Я.Г.Гулямова, Т.Миргиязова и Р.Набиева [2: 5-6].

В 1928-1929 гг. развалины Куны-Ургенча исследует А.Ю.Якубовский, в 1934 г. на развалинах средневекового Замахшара работает М.В.Воеводский. Все эти работы несомненно, явились ценным вкладом при воссоздании истории древнего Хорезма. Однако исследование всех этапов исторического развития такой историко-культурной области, как древний Хорезм, разнообразие аспектов этих исследований и применяемые при этом комплексные методы, наконец, масштаб исследований, связаны в первую очередь с Хорезмской экспедицией, возглавляемой С.П.Толстовым. Именно С.П.Толстову принадлежит открытие древнехорезмийской цивилизации [3: 20].

В результате деятельности Хорезмской экспедиции, а так же отдела археологии Каракалпакского отдела РУз, завершён этап археолого-топографического изучения древнего Хорезма, картографированы и научно описаны все основные древние археологические объекты [4: 78].

Картографированы и научно описаны остатки ирригационной сети древнего Хорезма.

Исследование античных памятников на территории Хорезма – городищ, укреплений, дворцовых и храмовых комплексов, сельских поселений – дало огромный материал по хозяйственной и политической истории, общественной организации, культуре и религии Хорезмского государства. К IV-II вв. до н.э. относится система городов-крепостей с мощными оборонительными и сложными предвратными лабиринтами, замыкающих сельскую округу. Они являлись торговыми, ремесленными и культовыми центрами. К их числу относятся Джанбаскала, Базаркала, Кургашин кала на правом берегу Амударьи, античные укрепления в основании средневековых городов Хазараспа, Садвара, Джигербента, расположенных вдоль древнего караванного пути на левом берегу Амударьи, ведущего из Хорезма на юг, укрепленные Капарас и культовый центр Елхарас, расположенные на том же караванном пути.

Трудно переоценить значение проведённых Хорезмской экспедицией раскопок храма-мавзолея Кой-крылган кала, (IV в до н.э. – IV в н.э.). Этот памятник, связанный, видимо, с астральным культом, дал интереснейший материал по истории архитектуры, искусства и религии Хорезма этого времени.

Мировую известность приобрел памятник Хорезмийского искусства первых веков нашей эры Топрак кала. Комплекс городищ Топрак кала дворца и Северный комплекс – на протяжении 30 лет стали объектами исследований. Проводимые работы позволили установить последовательность этапов его сооружения, раскрыть первоначальное ядро его застройки, скрытое под поздними перестройками, по-новому осмыслить его функциональное назначение [5:92-98]. Город – крепость Топрак кала в I-IV вв. н.э. являлась столицей Древнего Хорезма, в центре которой находилась резиденция правителей. Его раскопки дают основания предполагать, что эта крепость, так же служила центром религиозных ритуалов и была застроена храмовыми сооружениями эпохи зороастризма.

Исследования в раннесредневековом Беркуткалинском оазисе позволили осветить период становления феодального общества и связанные с этим изменения в хозяйстве и общественной организации. Исследование материальной культуры продемонстрировало невозможность исследования культуры оазиса вне учета истории и культуры окружающего его скотоводческого населения: Культура ранне-средневекового афригидского Хорезма сложилась в значительной степени при участии пришлых с северо-востока, из района низовий Сырдаи, позднесакских племен.

Основы хронологической классификации археологических памятников древнего Хорезма (VII в. до н.э. – IV в. н.э.) разработаны С.П.Толстовым. По материалам своих исследований в 1937-1941 гг. Он выделил в развитии Хорезма этого периода следующие этапы:

- 1) Архаический – VI-IV вв. до н.э.;
- 2) Кангуйский – IV в. до н.э. – I в. н.э.;
- 3) Кушанский – II-III вв. н.э.;
- 4) Кушано-афригидский – III-V вв. н.э.;
- 5) Афригидская культура – VII-IX вв. н.э.;
- 6) Афригидо-саманидская культура – IX-XI вв. н.э.;
- 7) Хорезмшахская культура – XI-XIII вв. н.э.;
- 8) Хорезмийско-джучидская культура – XIII-XIV вв. н.э.

[3: 32-33].

Раннеантичный археологический комплекс последней трети I тыс. до н.э. в целом, можно охарактеризовать, как весьма своеобразный, отличный от синхронных комплексов, известных в других историко-культурных областях Средней Азии. Он, безусловно, сформировался на местной основе, но под сильным влиянием материальной и художественной культуры Ахеменидского Ирана. Кроме того, в керамическом производстве этого времени усматривается некоторое эллинистическое влияние. О связях с эллинистическим миром, как Закавказье, так и южных областей Средней Азии, свидетельствует и прямой импорт вещей [6:133-145]. Древний Хорезм – одна из древнейших цивилизаций Центральной Азии.

Текст «Авесты» древнеиранского канона зороастрийской религии содержит огромный ономастический материал, соотношение которого с исторической географией довольно сложное. С одной стороны, в этом материале отражены древние реалии, с другой – в нём содержится значительный мифологический элемент. Зачастую бывает трудно отделить одно от другого. Тем не менее, в тексте «Авесты» встречается топоним «хорезм», выступающий в форме «Xvarizam» [4:28]. Он встречается всего один раз в «Яштах» в тексте пассажи 10, IV 12-14, содержание которого следующее: «Митру», владетеля пастбищ, почитаем мы ..., (того), кто является сверхъестественным богом, появляющимся через Гору перед бессмертным, сидящим на быстро мчащемся коне, солнцем: (того), кто первым одолевает украшенные золотом прекрасные горные вершины: оттуда всемогущий обзирает всю страну, населенную иранцами, где смелые владыки готовят многие нападения, где высокие укрывающие горы, богатые пастбищами, благоприятны для разведения скота, где находятся глубокие озера с большими волнами, где судоходные реки стремительно и бурно несутся в сторону: Согдийской Гавы и Хорезма [4:28]. Хорезм упоминается так же в древнеперсидских клинописных надписях Ахеменидов (VI-IV вв до н.э.) в форме (H)varizmi. Так, в Бехистунской надписи Дарий I сообщает о том что «по воле Ахурамазды» он стал царём над многими странами, в том числе и над Хорезмом. А в надписи Дария I о сооружении дворца в Сузах сказано следующее: «Употреблённый здесь тёмно-синий самоцвет (бирюза?) доставлялся из Хорезма» [5:36].

О легендарных событиях на территории Хорезма в древние времена рассказывается в среднеперсидском сочинении «Бундахиши», продолжающем авестийские традиции. В «Бундахиши» сообщается о том, что Ахурамазда создал три огня, под защитой которых стоит весь мир. Во время правления царя Тахмуроба некие люди, сев на спину мифического быка Сарсаога, переселились из Кешвара Хванирас в другие Кешвары. И вот, однажды ночью, когда эти люди находились в море, ветер унёс и сбросил в море светильник с тремя огнями, однако огни, подобно трём живым душам, вернулись из своих мест на спине быка Сарсаога и продолжали светить до утра, и люди вновь могли плыть по морю. Во время царствования Йимы всё благополучно осуществлялось с помощью этих огней. Один из огней, под названием Фаррбаг, царь Йима велел поставить на место жертвенника, расположенного на горе варрехуманд в Хорезме.

Потом этим огнём завладел царь Дахака. А во время царствования Вашгаспы он был доставлен из Хорезма на блистательную гору Рушан в Кабулистане (местность в окрестности Кабула) и, согласно преданию, находится теперь там. Упоминанием Хорезма в античной литературе являются сообщения Гекатея Милетского. В нем говорится о месте обитания и городах [6:38]. Ценные свидетельства

сохранились также в «истории» Геродота, в которой большое внимание уделено взаимоотношениям между Ираном и среднеазиатскими государствами.

Особенно много дискутировался вопрос о реке Акес, в этом сообщении упоминается и Хорасмии. Кроме того, Хорасмии упоминаются Геродотом в списке военных отрядов в армии Ксеркса.

Около 530 г. до н.э. Хорезм вошёл в состав Ахеменидской державы в начале, наряду с парфянами, согдийцами и ариями, как часть XVI податного округа, а затем, по всей видимости, во второй половине V в. до н.э., как отдельная сатрапия. В самом конце V в. или в начале IV в. до н.э. Хорезм выходит из державы Ахеменидов и IV в. до н.э. уже является самостоятельным государственным образованием.

В последней трети I тыс. до н.э. Хорезм переживает бурный экономический и культурный подъём. Своеобразную материальную и художественную культуру региона в этот период можно рассматривать как органичный сплав местных и привнесённых элементов [7:116].

По сообщению Арриана, в 328 г. до н.э. в Мараканду, где находился на зимовке Александр Македонский, явился Фарасман, царь Хорасмиев со свитой в 1500 человек [6: 41]. В В.Бартольд уже отметил, что по другому свидетельству, прибыло посольство Хорезмийского царя по имени Фратаферн [8: 544]. Ю.А.Рапопорт предположил, что греческие источники называли Фарасмана царём лишь для поднятия престижа Александра Македонского. В действительности царём был Фратаферн, а Фарасман являлся, вероятно всего, его сыном [9:131].

Для нас, однако, важным является лишь тот факт, что Хорезм, в данном случае, выступает в роли независимого государства со своим царем, на равных ведущим переговоры с Александром Македонским.

По словам царя Хорезма, его государство простиралось вплоть до колхов-народа грузинского происхождения, имевшего в это время на западе Грузии своё государство и на севере амазонок. При некотором преувеличении этих сведений, все же можно полагать что Хорезмское царство в это время было достаточно большим по площади государством, простиравшимся на Западе до Каспийского моря, где оно могло соприкасаться с колхами.

Несколько упоминаний о Хорезме и хорезмийцах имеются в пехлевийских текстах, где, в частности упоминается о войне Шапура I (241-272) с хорезмийцами в первый год его правления в среднеперсидском сочинении. «Города Ирана» составленном, по-видимому, в XI в, но отражающем интерпретацию истории, представленную в «Хвадай Намаг» (правда, с некоторыми модификациями), сведения о Хорезме очень краткие: он упоминается как город, построенный царем Нарсе, у которого мать была еврейка [4:29]. Некоторая информация имеется также в сочинениях средневековых авторов Беруни, Табари. Узбекский ученый – энциклопедист из Хорезма Абу Райхан Беруни (973-1048 гг.), получивший известность главным образом, благодаря своим трудам в области точных наук, был также блестящим историком, этнографом и географом.

В своём труде «Ал-Асар ал-баккиа ак ил-Курун ал-Халийай» («Памятники минувших поколений»), написанном на арабском языке, Беруни приводит ценные сведения об известных в его время различных народах, их религиях, обычаях, праздниках и преданиях, а так же о различных системах летоисчисления, эрах и календарях. Хотя этот труд сравнительно давно был опубликован и переведен на русский и узбекский языки, тем не менее, содержащиеся в нем исторические, этнографические и географические данные, на наш взгляд, еще глубоко не изучены и ждут своих дальнейших исследователей [12: 47].

В «Памятниках минувших поколений» Беруни отмечает, что заселение своей страны, которое произошло за 980 лет до Александра Македонского, затем стали считать годы от прихода в Хорезм Сиявуша, сына Кайкауса, и воцарения там Кейкусурау и его потомков, который переселился в Хорезм и распространил свою власть на царство тюрков. Это было спустя 92 года от начала заселения Хорезма [13: 47].

С этими материалами перекликаются сведения ал-Мукаддаси, который сообщает, что царь Востока разгневался на 400 человек из своего государства из приближенных слуг и велел отвести их в место, отдаленное от населенных пунктов на 100 фарсахов (около 600 км.) Их отправили в Хорезм, и он велел отвести к ним 400 тюркских девушек,

поэтому у них до сих пор осталось сходство с тюрками. Впоследствии на этом месте образовался город Кат, который стал столицей Хорезма [3:74-75].

Из этих преданий следует, что Хорезмский оазис впервые был заселен в XIV в. до н.э. тюрками, образовавшими здесь царство, а в XIII в. до н.э. сюда переселились иранцы, которые установили в Хорезме свою власть. Оба предания повествуют о смешанном происхождении Хорезмийцев: об участии в их этногенезе местных тюрков и каких-то иранских пришельцев и изгнанников.

Исследователи по-разному толкуют указания источников на местообитание хорасмиев. Одни убеждены, что хорасмии всегда обитали в Хорезмском оазисе, а сообщения о Хорасмиях, находящихся в Хорасане, свидетельствуют лишь о зоне политического влияния этого народа. Другие полагают, что в период между Гекатеем и Геродотом, с одной стороны, и походами Александра – с другой, произо-

шло переселение Хорасмиев из Хорасана в Хорезмский оазис [3: 74-75]. Нам кажется, что вторые ближе к истине. В пользу этого говорит вся совокупность письменных свидетельств. Следует добавить, что и местная хорезмская традиция, переданная хорезмийцем Беруни и Мукаддаси, начинается историей Хорезма с переселения.

В первой половине I в. до н.э. в Хорезме в силу неизвестных нам причин вводится новая система летоисчисления [14:77]. Особой проблемой, чрезвычайно сложной и вызвавшей значительные дискуссии, является проблема взаимоотношения Хорезма и Кушанского царства.

Чрезвычайно важным в истории Хорезма было взаимоотношение с кочевыми племенами. Для Хорезма, окруженного со своих сторон пустыней, эта проблема всегда имела первостепенное значение.

Литература

1. Низовья Амударья, Сарыкамьш и Узбой. Материалы Хорезмской экспедиции (МХЭ), вып. 3, -М.: 1960.
2. Gulam J. Otmuz izluri (arxeologik texirislal) – Gulistan, 1937, №4.
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948
4. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. - М.: 1984.
5. Топраккала. Дворец. -М.: 1984.
6. Болелов С.Б. Двуреченская Н.Д. Комплекс деревянных предметов из раскопок культового центра Калалыгыр-2.//«Российская археология», №3. -М.: 2002.
7. Хромов А.Л. Хорезм в древнеиранских и среднеиранских письменных источниках. Сб. Хорезм и Мухаммад ал-Хорезми в мировой истории и культуры (К 1200-летию со дня рождения). -Душанбе: 1983.
8. Хрестоматия по истории древнего Востока, часть, 2. -М.: 1980.
9. Пьянков И. В Хорезм в античной письменной традиции. Сб. Хорезм и Мухаммад ал-Хорезми в мировой истории и культуре. - Душанбе: 1983.
10. Болелов С.Б. Древний Хорезм и номады (палеоэкономические системы взаимодействия во второй половине I тыс. до н.э.) Сб. Археология и палеоантропология Евразийских степей и сопредельных территорий. -М.: 2010.
11. Бартольд В.В. Хорезм Работы по исторической географии, Соч., Т.3. -М.: 1965.
12. История государственности Узбекистана в трех томах. Т-1. -Т.: 2009.
13. Страбон. География. -Л.: 1954.
14. Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Часть 2. -М.,-Л.: 1950.
15. Камалидинов Ш. Народные предания о происхождении хорезмийцев и историческая действительность. «Узбекистон тарихи», №4, -Т.: 2004.
16. Абу Райхан Беруни Памятники минувших поколений (Перевод с арабского и примечания М.А.Салье) Избранные произведения Т.1 -Т.: 1957.
17. Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. -М.: 1977.

РЕЗЮМЕ

Хоразм, Ўрта Осиёдаги қадимги цивилизация марказларининг бири. Хоразмнинг ислом динигача бўлган маданиятини биринчи бўлиб ўзбек археолога Я.Ғуломов ўрганди. Қадимги Хоразм маданияти тарихини илмий жиҳатдан текширган профессор С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик-этнографик экспедицияси бўлди. Қадимги Хоразм цивилизациясини тадқиқо этган С.П.Толстов эди. Антик даврга оид кашфиётлар, Хоразмнинг сиёсий тарихи, ижтимоий тузуми, ҳужалиги, маданияти, дини турғисида анча кўп материаллар тўпланди. Қуйқирилган қалъа, Тўпроққалъа саройидаги тадқиқот ишлари натижасида Хоразм архитектураси, маданияти, санъати дунёга машҳур бўлди.

РЕЗЮМЕ

Хорезм является одним из центров древней цивилизации в Средней Азии. До исламской культуры Хорезм был исследован Я.Гулямовым. История культуры древнего Хорезма была исследована Хорезмской археолого-этнографической экспедицией, возглавляемой профессором С.П.Толстовым. Именно С.П.Толстову принадлежит открытие древнехорезмийской цивилизации. Исследование античных памятников Хорезма дало огромный материал по политической истории, хозяйству, истории общественной организации, культуры и религии. Мировую известность приобрели древнехорезмийское искусство, архитектура, открытия при раскопках Кой-кырылган кала и дворца Топрак кала.

SUMMARY

Khorezm is one of centres of ancient civilization in Central Asia. Khorezm was explored before Islamic culture by Ya.Gulyamov. The history of ancient Khorezm culture was explored by Khorezm archeologic-ethnographical expedition conducted by the professor S.P.Tolstov. It was S.P.Tolstov who explored ancient Khorezm civilization. The exploration of Khorezm ancient monuments gave important material on political history, economy, history of social organizations, culture and religion. Ancient Khorezm art, architecture, findings during excavations in Qoy qirilgan kala and the palace Toprak kala got worldwide reputation.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ АСРАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИ

У. Хужаниязов – катта илмий ходим-изланувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институту

Таянч сўзлар: зоология, териология, герпетология, ихтиология, зооэкология, орнитология, Орол фожеаси, хайвонот дунёси, Қорақалпоғистон фаунаси, хайвонот дунёсини асраш, тарихнавислик аспектида.

Ключевые слова: зоология, териология, герпетология, ихтиология, зооэкология, орнитология, Аральская трагедия, животный мир, фауна Каракалпакстана, сохранение животного мира, историографический аспект.

Key words: zoology, theriology, herpetology, ichtiology, zoecology, ornithology, the Aral tragedy, flora, fauna of Karakalpakstan, protection of flora, historical-geographical aspect.

Қорақалпоғистон Республикаси Орол экологик фожеасининг қоқ марказида жойлашганлиги, бу фожеа оқибатлари худуднинг ўсимлик ва хайвонот дунёсига, тупроқ ва ер шароитига, сув ва ҳавосига, қишлоқ хўжалиги, саноати, табиий муҳитига кўп талофатлар етказаятганлиги жаҳон афкор оммасига аллақачонлар маълум эканлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Аммо бу ерда яшовчи тирик мавжудотлар мавжуд экологик танглик оқибатларидан катта йўқотишларга дучор бўлаётганлигидан кўп одамлар унчалик хабардор эмас. Буни фақат шу соҳалар бўйича махсус шуғулланиб келаётган мутахассисларгина тўғри

англаб ундан етарлича хулосаларга келишга ҳаракат қиладилар.

Қорақалпоғистон худуди Қизилқум саҳроси, Устюрт текислиги, Амударё ҳавзаси каби бир-биридан фарқлиб турадиган зоналарни ўз ичига қамраб олади. Олимларнинг таъкидлашича ҳали тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра бу худудларда 2000 дан ортиқ хайвонлар мавжуд бўлиб, уларнинг 400 дан ортиғи умуртқали хайвонлардир. Худуд фаунасида балиқларнинг 43 та хили ер-сув хайвонларининг 2 та хили, судралиб юрувчиларнинг 33 та хили, қушларнинг 307 та хили, суг эмизувчиларнинг 69 та хили ҳисобга олинган [1:81].

Кейинги йилларда гидрогеологик мувозанатнинг бузилиши, экологик офат ва б. сабаблар туфайли балиқларнинг 12 та хили, судралиб юривчиларнинг 4 та хили, қушларнинг 39 та хили, сут эмизувчиларнинг 11 та хили Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва Халқаро Қизил китобга киритилган [1:81]. Шундан маълумки, худуд табиий захираларини сақлаб қолиш, уларнинг яшовчанлик хусусиятини таъминлаш, экологик офат оқибатларини юмшатиш Ўзбекистон фани ва жамоатчилиги олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мухтарам Президентимиз рахномалигида жаҳон ҳамжамияти диққатини Орол экологик фожеасига жалб қилиш мақсадида Марказий Осиёнинг хар хил шаҳарларида худуд давлатлари Президентлари ва халқаро экспертлар, унга дахлдор ташкилотлар ходимлари иштирокида катор халқаро конференциялар (8та) ўтказилди, бундан ташқари, Президентимиз БМТнинг 1993 йил 28 сентябрдаги 48-сессиясида, 1995 йил 24 октябрдаги унинг 50 йиллигига бағишланган мажлисида, 2000 йил 8 сентябрдаги “Минг йиллик саммити”, деб аталган сессиясида Орол фожиасини XX асрнинг глобал фожеаси деб эълон қилди ва умумжаҳон жамоатчилигини унинг оқибатларини бартараф қилишга чорлади.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон олимлари бу экологик фожиани юмшатишга, унга қарши бутун чоралар билан курашишга бел боғлаб, турли-туман тадқиқот дастурлари ва режаларини ушбу мавзу атрофида бирлаштиришга ҳаракат қилдилар. Бу ҳаракатлар тарихини ўрганиш, худуд олимларининг ушбу йўналишдаги турли фанлар соҳаларидаги фаолиятлари тарихини ёритиш, уларнинг фан раванкига қўшаётган ҳиссалари тарихини ойдинлаштириш тарихнависликда катта аҳамиятга эга.

Мазкур йўналишда Ўз Р. ФА ҚҚБ олимларининг салмоқли ишлари кўзга ташланади. Мақоламизда Қорақалпоғистон олимларининг Оролбўйи ҳайвонот дунёсини асрашга қаратилган тадқиқотлари тарихини тарихнавислик нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида Орол атрофи, Амударё ҳавзаси экологик фожеа худуди деб эълон қилинди. Шунгача бўлган даврда ҳам ушбу худудда яшаётган халқ, онгли инсонлар бу инкирознинг аста-секинлик билан бостириб келаётганини, у худуд ҳаётининг барча тармоқларини камраб олаётганини қалбан ва ақдан ҳис қилдилар. Аммо мавжуд мустабид тузум бу фожеани баралла айтишга имкон бермади. Натижада бу фалокат Мустақиллик йилларида яна ҳам чуқурлашди ва у бўйича шошилинч чоралар кўриш зарурати пайдо бўлди. Қорақалпоғистонлик зоолог олимлар ўлка фаунасини сақлаб қолиш бўйича қатъий илмий изланишлар олиб бордилар. Хусусан, улар куйидагиларда намоён бўлди.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонлик олимлар экологик инкироз шароитида ўлка ҳайвонот дунёсини асраб қолишга қаратилган тадқиқотлар билан шуғулландилар. Жумладан, Р. Реимов 1994 йили “Жанубий Орол бўйи сут эмизувчилари, уларни муҳофаза қилиш ва издан чиққан табиий муҳит шароитида улардан унумли фойдаланиш” мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилди. У худуд ҳайвонот дунёсини асраш масалаларига бағишланган 300 дан кўпроқ илмий ишлар муаллифи. Унинг илмий ишларида йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган кўпгина ҳайвонларни сақлаб қолиш бўйича катор тавсияларни учратиш мумкин.

“Оролбўйи йирткич сут эмизувчилари ўзгарган антропоген ландшафт шароитида” мавзусида 1993 йил докторлик диссертациясини химоя қилган М. Палўаниязов 50 дан ортиқ илмий ишларида сут эмизувчиларининг биологияси ва экологияси бўйича қимматли фикрлар баён қилди.

Мустақиллик йилларида яна бир фан доктори ўз тадқиқотини вабо тарқатувчи кемирувчилар экологиясини ўрганишга бағишлади. У 1999 йил “Қорақалпоғистон Республикаси худудида вабо табиий ўчоғида катта песчанканинг аҳамияти” мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилган Г.А. Асеновдир. У тиббий зоология соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, хар бир тур кемирувчиларнинг касаллик тарқатиш даражасини аниқлашга эришди ва вабо касаллиги тарқалиши механизми моделини ўрганишда биринчилардан бўлиб фосфор, олтингурут, углерод изотопларини қўлади. Олим 200 дан

ортиқ илмий ишларида ва “Қизилқум вабо ўчоғи” (1991), “Қизилқум ва Оролбўйи вабо эпизоотиясининг фаоллиги истиқболларини тахмин қилиш” (1992), “Орол денгизи “Возрождение” оролининг ҳайвонот дунёси ва экологияси” (2002), “Вабо эпидемиологияси ва профилактикасининг худудий ўзига хослиги” (2005), “Қорақалпоғистоннинг ҳайвонот дунёси” номли монографияларида ўлка ҳайвонот дунёсини, уларнинг экологияси ва биологиясини, ҳаёт учун фойдали ва зарарли жиҳатларини, табиатга керакли мавжудотларни асраб қолиш масалаларини синчиклаб ўрганиб, илмий хулосаларга келишга эришди.

Мустақиллик йилларида териология илми соҳасида бирнеча ёш олимлар ўз тадқиқотларини сут эмизувчиларнинг экологик инкироз шароитидаги ҳолати ва табиий мувозанатини сақлашдаги аҳамияти масалаларига бағишлади. Улардан Қ.Қ. Қайипбековни, А.Р. Реимовни, С.Қ. Сейтназаров, Ж. Сапаровларни кўрсатиш мумкин. Шулардан Қ.Қ. Қайипбеков 2009 йилда нашр қилдирган “Қорақалпоғистон фаунаси” (2009) монографияси ва “Эколого-физиологическая адаптация грызунов в условиях Каракалпаки” номли номзодлик диссертацияси билан, А.Р.Реимов “Экология и популяционная изменчивость мелких млекопитающих в условиях трансформации природной среды Южного Приаралья”, С.Қ.Сейтназаров “Популяционные особенности фонового вида большой песчанки как индикатор состояния среды” номли номзодлик диссертациялари билан териология фани соҳасига катта ҳисса қўшдилар.

Истиқлол йилларида ихтиология соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Илгари балиқлар қони бўлган Орол денгизи сувининг пасайиши ва Амударё, Сирдарё сувларининг Оролга етиб бормаслиги оқибатида худуд ихтиофаунаси катта зарар кўра бошлади. Ушбу даврда бу соҳанинг жонқуярлари Р.Т.Тлеуов, Б. Алламуратов, И.М. Жолдасова, А.Д.Сапаров, У.Ерекеев ва б. Қорақалпоғистонда ихтиология соҳаси ривожига катта ҳисса қўшдилар. 1995 йили Б. Алламуратов “Ўрта Осиё сув ҳавзалари оидий балиқлари зараркундалари (фаунаси, систематикаси, экологияси, зоогеографияси ва уларга қарши курашиш)” мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилди [2:104].

1994 йили ЎЗР ФА ҚҚБ Табиий фанлар Бирлашаган институтида “Ер усти ҳайвонлари экологияси” лабораторияси ташкил этилди. Бу эса экологик тадқиқотларга кенг йўл очди. Бўлимда атоқли эколог олимлар етишиб чиқди. Улар жумласидан А. Мамбетжумабаев, Р. Жоллибеков, М. Палуаниязов, Р.Р. Реимов, Г.А. Асенов, Т. Нураддинов, Ж. Сапарбаев, С.М. Мамбетуллаева, А.Р. Реимов кабиларни кўрсатиш мумкин. Ушбу лаборатория ходими С.М. Мамбетуллаева 2008 йили “Жанубий Оролбўйи тирик организмларининг яшаш муҳити экстремалигини пайдо қилувчи экологик омилларни микродорий баҳолаш” мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилди. Бу лабораториядан хозиргача 3 нафар фан доктори 20 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиқди.

Қорақалпоғистонда орнитологик тадқиқотлар олдин ҳам олиб борилган бўлса ҳам мустақиллик йилларида уни издан чиққан экологик шароит тақозоси билан яна бир қарра қайта кўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Зотан, экологик офат таъсири натижасида Қорақалпоғистон фаунасида илгари мавжуд бўлган, кейинчалик йўқолишга юз тутган қушларнинг (улар 39 та тур) йўқ бўлиб кетиш сабабларини аниқлаш ва улар яшовчанлигини таъминлаш мумкин бўлган табиий шароитлар яратиш кўпгина қушлар турларини асраб қолиш имконини беради. Буни эътиборга олиб, кейинги даврларда олимлар орнитологик тадқиқотларга эътибор қаратмоқдалар. Бу соҳада ЎЗРФА ҚҚБда бир қанча маҳаллий олимлар етишиб чиқди. Улардан Қ.Қ.Кенжекулов, Х.Ажмуратов, Т.Абдиреймов, М.Б.Аметов, М.А. Жуманов кабиларни кўрсатиш мумкин. Мустақиллик йилларида М.Б.Аметов “Антропогенная трансформация фауны птиц Каракалпаки” (1998), М.А. Жуманов “Фауна водоплавающих и околоводных птиц рыбо прудовых хозяйств среднего течения бассейна реки Сирдарья” (2006) мавзуларида номзодлик диссертацияларини химоя қилиб орнитология соҳасини ўз изланишлари билан бойитдилар. Улар ЎЗР ФА Зоология институти қошида тузилган “Қушларни асраш” жамияти билан ҳамкорликда режали ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, бу йўналишда Бердак номидаги ҚДУ табиатшунослик факультети қошида “Отус”

орнитологлар клуби ташкил этилиб, унга Жуманов Муротбой Арпобоевич рахбарлик қилиб келмоқда. Шунингдек, Буюк Британиянинг қушларни асраш жамиятининг “Ўзбекистоннинг асосий орнитологик ҳудудлари” дастури ҳомийлигида, Голландиянинг “Дренаж ва сувғориш инфратузилмаларини реконструкция қилиш ва тармоқни қайта тиклаш” режаси асосида Қорақалпоғистон жанубий туманларида йиғилиб қолган сизот сувларни Орол денгизига қуйдириш тадбирлари натижасида ўлка орнитофаунасини тиклаш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги даврда Қорақалпоғистонда зоологиянинг паразитология, гельминтология, акарология, энтомология, ихтиология, гидробиология, герпетология, орнитология ва териология соҳалари бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Уларнинг натижалари халқ хўжалигига, ишлаб чиқаришга, халқ турмуш шароитини яхшилашга, sanoat ва халққа хизмат кўрсатиш тўрмоқларига катта самаралар бермоқда. Уларнинг кишлоқ хўжалигига келтираётган фойдаси ва натижалари ҳақида бошқа бир мақоламизда атрафлича фикр юритганмиз.

Қорақалпоғистонлик зоолог олимлар ўз тадқиқотларини чет эл олимлари билан ҳамкорликда олиб бориб, кўпгина мамлакатлар илмий марказлари билан илмий алоқаларини йўлга қўйганлар. Чунончи улар АҚШ, Германия, Италия, Туркия, Швейцария, Малайзия, Белгия, Франция олимлари билан ҳамкорликда кўпгина дастурларда иштирок этмоқдалар.

Зоолог олимлар 2009 йили GEF, UNDP нинг “Қорақалпоғистоннинг Амударё хавзасидаги ўрмонларни асраш ва қўриқланадиган ҳудудлар тизимини

Адабиётлар

1. Қарақалпақстанда зоология илимининг раўажланыўи. -Нөкис: “Илим”, 2009.
2. Султанов А. Ихтиолог олим. “Илим ҳам жамийет”, 2012, №3-4.
3. Қорақалпоғистоннинг янги тарихи. -Нукус: “Қорақалпоғистон”, 2003.
4. О деятельности Академии наук Республики Узбекистан за 2006-2010, часть II, -Ташкент: 2011.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда зоолог олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари тарихнавислик аспектида ёритилган. Унда териология, герпетология, ихтиология, зооэкология, орнитология соҳалардаги янги тадқиқотларга ўрин берилган. Орол бўйи ҳайвонот дунёсини ўрганишга бағишланган ишларга шарҳлар берилган. Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг бу тадқиқотларга эътибори алоҳида таъкидланган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются научно-исследовательские работы зоологов Каракалпакстана за годы независимости в историографическом аспекте. В нём особое место отводится новым исследованиям по териологии, герпетологии, ихтиологии, зооэкологии, орнитологии. Дается комментарий исследовательским работам посвященным животному миру Приаралья. Особо отмечается большая забота к этим исследованиям со стороны государства и правительства.

SUMMARY

The article deals with the review of scientific research works of the scientists of Karakalpakstan in zoology in the historical-geographical aspect for the years of Independence. The latest research works in trilog, herpetology, ichthyology and ornithology are of a great importance. There is a commentary to the research works devoted to the flora of the Aral seaside. The author emphasizes the particular care of the state and government about these investigations.

ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИДАГИ МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТНИНГ ЧУҚУР ИЛДИЗЛАРИ.

Ғ.Хожаниязов – тарих фанлари номзоди

ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими «Археология» бўлими мудири

О.Юсунов - катта ўқитувчи

У.Календаров –ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти.

Таянч сўзлар: Жанубий Орол бўйи, ноёб археологик объектлар, Тупроққалъа, Қиёт қалъа, Гулдурсин қалъа, ноёб мерослар, Қорақалпоқ ўлкашунослик музейи, Ўзбек ўлкашунослик жамияти, Қорақалпоқ этнографик экспедицияси, Қорақалпоқ тарихи ва ўлкашунослик музейи.

Ключевые слова: Южное Приаралье, редкие археологические объекты, Топрак кала, Кият кала, Гулдурсын кала, редкое наследие, Каракалпакский краеведческий музей, Узбекское краеведческое общество, Каракалпакская этнографическая экспедиция, каракалпакский исторический и краеведческий музей.

Key words: South coast of the Aral sea, rare archaeological objects, Toprak Kala, Kiyat Kala, Guldursyn Kala, rare heritage, Karakalpak natural museum, Uzbek natural society, Karakalpak ethnographic expedition, Karakalpak historical and natural museum.

Жанубий Орол бўйи ўзининг бой табиати, тарихи, моддий ва номоддий мерослари билан эрта даврлардан бери ўлкага келган олим ва саёҳатчиларни ҳайратда қолдириб келган муқаддас замин ҳисобланади. Бу ҳақда Президентимиз И.Каримовнинг «Қорақалпоғистон диёрининг тарихий, археологик эсталикларга бой ўлка эканлигини, «Қиёт қалъа», «Қирқиз қалъа», «Миздақхон», «Гулдурсин», «Аёз қалъа», «Айдос қалъа»ларнинг қадимги маданият ва цивилизацияларнинг ривожланишида ўрни бор объектлар эканлигини» атаб ўтган эди [1].

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида «очик осмон остидаги» қадимги музей-қўرғон-қалъалар, уларда очилган архитектура ва бадий санъат намуналари унинг ёрқин мисоли бўла олади. «Тупроқ қалъа»нинг архитектура қурилиши, унинг Саройларини безаб турган рангли расмлар, маҳаллий материаллардан ишланган ажойиб ҳайкаллар, отабоболаримизнинг маданият ва маънавияти, бадий санъат

мустаҳкамлаш» дастури ҳомийлигида «Қорақалпоғистон биохилма-хиллиги атласи» тузилди (муаллифлар Бекбергенова З.О., Момутов Н.), “Қорақалпоғистоннинг зоолог олимлари” (Бекбергенова З.О ва б.). китоби нашр қилинди.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон олимлари илмий-тадқиқот ишларини сусайтирмасдан фаннинг барча соҳаларида кизгин изланишлар олиб бормоқдалар. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда фан докторларининг сони 65 нафарга етди, унинг 60%идан ортикроғи, 600 дан ортик фан номзодларининг 40%и мустақиллик йилларида ўз илмий даражаларига эга бўлди [3].

1990 йили «Орол» мувофиқлаштирувчи илмий-тадқиқот марказининг ва “Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолари институти” нинг ташкил этилиши Орол атрофидаги муаммоларнинг ўрганилишига катта тўртки берди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ФА нинг 2006-2010 йиллардаги фаолиятига бағишланган китобнинг II бўлимининг ЎзРФА си Қорақалпоғистон бўлимига бағишланган махсус бобида бўлимнинг ҳозир шуғулланаётган ва истиқболда ўрганиши зарур бўлган муаммолари рўйхатида Орол атрофида экологик офат оқибатларини ўрганишга бағишланган дастур ва мавзулар биринчи ўринни эгаллайди. Булар фундаментал, амалий, инновацион тадқиқотларда ҳам кўзга ташланади [4:219-231]. Кўринадики, булар Қорақалпоғистон илм-фанига, Орол атрофидаги экологик вазиятга, халқ турмуши тарзига ва унинг фаровонлигига давлатимиз ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги бекиёс эканлигининг, шу жумладан фан раванкига катта эътибор билан қараётганлигининг бир далилидир.

Адабиётлар

1. Қарақалпақстанда зоология илимининг раўажланыўи. -Нөкис: “Илим”, 2009.
2. Султанов А. Ихтиолог олим. “Илим ҳам жамийет”, 2012, №3-4.
3. Қорақалпоғистоннинг янги тарихи. -Нукус: “Қорақалпоғистон”, 2003.
4. О деятельности Академии наук Республики Узбекистан за 2006-2010, часть II, -Ташкент: 2011.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда зоолог олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари тарихнавислик аспектида ёритилган. Унда териология, герпетология, ихтиология, зооэкология, орнитология соҳалардаги янги тадқиқотларга ўрин берилган. Орол бўйи ҳайвонот дунёсини ўрганишга бағишланган ишларга шарҳлар берилган. Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг бу тадқиқотларга эътибори алоҳида таъкидланган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются научно-исследовательские работы зоологов Каракалпакстана за годы независимости в историографическом аспекте. В нём особое место отводится новым исследованиям по териологии, герпетологии, ихтиологии, зооэкологии, орнитологии. Дается комментарий исследовательским работам посвященным животному миру Приаралья. Особо отмечается большая забота к этим исследованиям со стороны государства и правительства.

SUMMARY

The article deals with the review of scientific research works of the scientists of Karakalpakstan in zoology in the historical-geographical aspect for the years of Independence. The latest research works in trilog, herpetology, ichthyology and ornithology are of a great importance. There is a commentary to the research works devoted to the flora of the Aral seaside. The author emphasizes the particular care of the state and government about these investigations.

нинг Нукус, Кўнғирот, Чимбой, Хўжайли туманларида рус-тузем мактаблари, диний, маънавий ғоявий марказлар қуриди.

1888 йили Тўрткулда пиллачилик корхонаси қад ростлади ва у келажакда давлат ипак курти заводини ривожлантиришга таянч бўлди. Амударё бўлими ҳудудида ва Хива хонлигидаги хўжалик маданиятининг бебаҳо объектлари, этномаданияти ва этнобадий намуналарининг кўрғазмаси Николаев черковида ташкил қилинди. Бундай илк кўрғазма бундан олдин ҳам ташкил қилинган бўлиб, унда «Қиёт қалъа» билан «Қизил қалъа» ораллигидаги «Истемес» кўлининг суви тортилган ерларидан 1876-1880 йилларда топилган археологик материаллар қўйилди.

XIX асрнинг охири, XX асрнинг биринчи чорагида Шимолий ҳудудда тарихий, археологик, этнологик кузатишлар олиб борилди. Амударёнинг қуйи қисми флораси ва фаунаси, бой ўтмиш мерослари ҳақида хабар берадиган айрим маълумотлар Қазон, Нижний-Новгород, Санкт-Петербургдаги, шунингдек, Ўрта Осиё шаҳарларидаги музейларда ўтказилган минтақавий кўрғазмаларга юборилган. «Қиёт қалъа» ва «Гулдурсин қалъа»дан топилган топилмалардан хоразмшоҳларнинг динор ва дирҳамлари, «Хайвон кўринишидаги» ҳар хил тақинчоқлар, шунингдек, Искандарбой куйдирган етти қуйма олтин тахтачалари ва яна бошқа ажойиб меросларнинг кўрғазмаларга юборилганлиги ҳақида 1897 йил 29 октябрга тегишли архив ҳужжатларида маълумотлар берилган [2]. 1903 йил 8 октябрга тегишли архив ҳужжатларда Амударё бўлими ҳудудидан араб имлосидаги ёзувга эга кўرғошин тақинчоқлар, тангалар, қўлэзма китоблар, шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур муҳри босилган «Ёрликнома» топилган, улар Тошкент шаҳридаги Туркистон ўлкасини ўрганувчи «Археологик тўғарақ жамияти музейи»га Ислом Хожидан инъом қилинганлиги айтилади [3].

Ҳақиқатдан ҳам, шу даврларда Ўрта Осиёдаги қадимги меросларни, бадий санъатни ўрганишга қизиқувчанлик ортади, табиат экологияси, музей ишлари бўйича ҳам ишлар қўлга олина бошланади. Археологик тўғарақи аъзоларининг Султон Увайс тоғининг Шайх Жалил бобо қадам жойига яқин ерда жойлашган архитектура қурилишларини ҳисобга олиш, «Қиёт қалъа», «Улу-Дурсин» (Қатта Гулдурсин) қалъаларида бўлиши ойдin мисол бўлади. Шу даврларда Ўрта Осиёнинг икки дарё ораллигида жойлашган қадимий маданий меросларни, айниқса улар ҳақидаги араб-форс ёзма манбаларини ўрганишда «Средневековостарис» кенгаши аъзоларидан академик В.В.Бартольд, профессор А.А.Семёнов ва бошқалар жуда кўп меҳнат қилди [4]. Кейинроқ бизнинг ўлкамизда ўндан ортиқ «очик осмон остидаги» музей эсадаликлари очилди, улардан топилган бебаҳо топилмалар музейларимизнинг фондларини бойитди. Бунда академик Я.Ғуломов ва профессор С.П.Толстов ҳамда уларнинг шогирдларининг хизматлари катта бўлди.

XX асрнинг 20-йилларида Қорақалпоғистон Автоном Вилоятининг тузилишида, давлатчиликнинг қайта тикланиши, айниқса, иқтисодий ва маданий соҳада юртимизнинг муштақамланиши йўлида фидойиларча хизмат қилган А.Досназаров, О.Ерманов, А.Қудобоев, Қ.Алламбергенов, Қ.Авезов, К.Садуллаев, К.Нурмаҳаммедов, Т.Низаматдинов, И.Бекимбаев, К.Адинаев ва бошқа миллий зиёлиларимизнинг олиб борган ишлари ўлкамизда маънавий-маърифий, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ марказларининг бири бўлган музей ишларининг йўлга қўйилишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Шу йилларда Қорақалпоғистоннинг янги пойтахтини аниқлаш масаласи кўтарилиб, пойтахт сифатида Чимбой шаҳрини белгилаш ва унга давлат идораларини кўчириш билан бирга, Чимбой шаҳрида музей қурилиши бошланди.

Ертеқлердеги сюжетлик хәм идеялық мазмунның дүнья ертеқлеринде өз-ара уқасалықларға ийе болыўы бириншиден, пүткил адамзаттың турмыс кешириў, ойлаў, сана-сезими қыял сүриў хәм адамзат жәмийетиндеги формациялық дәўирлердиң биргелкилиги хәм олардағы класслық қатламлардың теңдей қәлиплесиўшилиги хәм басқа да объектив хәм субъектив факторлардың уқасалығы менен түсиндириледи. Бундай улыўмалық белгилерди әсиресе, Батыс әпсаналары тийкарында жазылған ағайинли Вилгельм хәм Яков Гриммлердиң «Балықшы ғарры хәм оның кемпири», А. С. Пушкинниң «Балықшы хәм Алтын балық хаққында ертеқ», Қарақалпақ халық ертеги «Изтай хәм қырық қарақшы» хәм Хинд халық ертеги «Али-баба хәм қырық қарақшы» ертеқлеринде айқын көринеди. Бундай уқасалықлардың түпкиликли себебин Е. М. Мелетинскийдиң «Миф хәм оның класслық түрлери» [3:76] мийнетиндеги төмендеги қатарларынан туўры аңлаўға болады.

«Фольклор жер шарындағы гүллән халықлардың мифологиялық сюжетлериниң елеги болып қызмет ете отырып әсирлер аралық мәдениет кеңисликтерди өз-ара байланыстырыўшы үлкен күш хәм әдебиятқа (жер жүзлик әдебиятқа) ортақ, гуманистлик жақтан оғада бахалы хәм сарқылмас сюжетлер тайынлайды» деп жазады. Бул адам әўладының, мейли әдебиятта болсын, мейли турмыста болсын ол қайсы миллеттиң ўәкили болыўына қандай турмыс кешириў тәризине ийе болыўына қарамастан бирдей келешекке бирдей жақсы нийет пенен умтылатуғынлығын нәзерде тутқандай болады. Соның ушын да «әдебият формалық жақтан хәр қыйлы, ал мазмуны хәм идеялық

жақтан бир қыйлы» деген мақалға айланып кеткен түсиник әдебиаттың ең бир ески хәм бахалы жанры болып келген ертеклер ушын да ортақ бола алатуғынлығына даў жок.

Әдебиатлар

1. Брагинский В.А. «Мифические легенды» -М.: 1983. -С. 26
2. Веселовский А.Н. «Славянские сказки о Соломоне и Китоврасе и западные легенды о Морольфе и Мерилине». -М.: 1958.
3. Мелитинский Е.М. «Мифы и их классические формы». -М.: 1958. -С.76.
4. Қарақалпақ фольклоры Т. 67. -Нөкис: 2014, 6-б.
5. Толкиен Р.Р. «Tree and Leaf» -М.: 1981. -С. 55.

РЕЗЮМЕ

Мақола инглиз ва қарақалпақ халқ әртакларини қиёсий ўрганиш масалаларига бағишланган. Унда муаллиф әртак қахрамонларининг тасвирланишига алоҳида диққат қилиб, икки қардош бўлмаган халқ әртакларининг композицион-сюжети масалаларини таҳлил қилади. Тадиқот натижаларидан муаллиф икки маданиятта хос әртаклар намуналаридан умумий типологик ўхшашликлар ва ғоявий - композицион тузилишидан муштарақликлар топади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается к вопросу сопоставительного изучения английских и каракалпакских народных сказок. В ней автор анализирует сюжетно-композиционные вопросы сказок этих двух неродственных народов, уделяя должное внимание на описание главных персонажей. Выявлены типологические особенности и общности в идейно-композиционной строении сказок этих двух культур.

SUMMARY

The article deals with the comparative study of English and Karakalpak folk tales. In the article the author analyses the plot and composition of folk tales of these two different peoples, paying a proper attention to the main characters in tales. There have been emphasized some specific typological peculiarities and similarities in their composition and ideological contents of fairy tales of these two different cultures.

SHUHRATNING «OLTIN ZANGLAMAS» VA O'.HOSHIMOVNING «TUSHDA KECHGAN UMLAR» ROMANLARI ANALOGIK TALQINI

M.Yadgarova- magistranti

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch soʻzlar: mavzu, motiv, tasvir ruhiyati, jamiyat, davr ruhiyati, ijtimoiy muhit, poetik talqin, analogik talqin, davr.

Ключевые слова: тема, мотив, описание духовности, общество, духовность периода, общественная среда, поэтический комментарий, аналогическая критика, эпоха.

Key words: topic, motive, description of spirituality, society, epoch spirituality, social environment, poetic commentary, analogous criticism, epoch.

Mavzu va motivatsiya mushtarakligi adabiy talqin teranligini ta'minlaydigan yetakchi omil, unda muqoyasa umumiy mohiyat va xususiy aqidani yaxlitlashlashtirishga xizmat etadi. To'g'rirog'i, ijtimoiy-falsafiy asos tahlil predmetiari botiniy munosabatdorlik hosil qiladi. Badiiy mushohada tig'izligi va tasvir ruhiyati o'ziga xosligi ijod miqyosini belgilaydi. Jamiyat maishiy hayoti hamda shaxs manfaat-ehtiyojlarini butun ziddiyatlari bilan jilvalantirish har bir iste'dod qamrovida tamomila o'zgachalanadi. Binobarin, chinakkam san'atkor «o'z iste'dodi bilan odamlarning ongi va dunyoqarashi, madaniy saviyasini yuksaltirish, xalq qalbining kuychisi bo'lishdek og'ir va murakkab, ulug' bir vazifani zimmasiga olgan ekan, avvalo, el-yurt oldidagi farzandlik burchini, grajdanlik pozitsiyasi va mas'uliyatini chuqur sezishi, anglashi hal qiluvchi ahamiyatga ega» [1:17]. Iqtibosda bir nechta xususiyat e'tiborni tortadi: birinchidan, asl iqtidor odamzod dunyoqarashini yuksaltirishga xizmat qiladi, ikkinchidan, sub'ektda axloqiy pozitsiya va fuqarolik mas'uliyati birlashadi, uchinchidan, ijodkor xalq va shaxs iroda yo'nalishini o'zida jilolantiradi. Shu ma'noda, milliy ifoda o'lchamidan umuminsoniy mezonga qadar muttasil harakatlanadigan poetik tabdilda davr ruhiyati tugal in'ikosini topadi. Ayniqsa, plastik janr – romanda tasavvur daraja ko'rsatkichi yanada to'laqonli namoyon bo'ladi. Poetik namoyish muallif shaxsiyati vositasida ijodiy mustaqillikka intiladi. Aynan realistik voqelik turg'unligi materiya qirralarini batafsil yoritish hamda turfa rakurslardan baholashga zamin hozirlaydi:

– Bugun Maratni juda boshqacha erkalab qoldingiz oyi, yaxshi tush ko'rib turdingizmi?

– Ha, bolam, xursand bo'lmay nima qilay, mana kuta-kuta nevarali ham bo'ldim. Endi Qodirjonning boshini ikkita qilib olsan edi, go'rimda oyog'imni uzatib, tinchgina yotardim. Hay, aylanay kelin, eringiz kelganda yana eski daftarni ochmang. O'tgan o'tdi, orqadagi gap – oxirdagi nishxo'rd. Ochilib-sochilib qarshi oling [2:130].

Yozuvchi bosh qahramon Sodiqni hayotning g'oyat sermashaqqat yo'llaridan olib o'tadi; uning boshiga ko'p og'ir

savdolar tushadi. «Sodiq shunchaki jafokash bir kimsa emas, u hammadan burun kurashchi, mardona shaxs» [4:306]. Qahramon sermashaqqat onlarda ham taqdirda tan berib, o'zini yo'qotib qo'ymaydi, aksincha, e'tiqodiga gard yuqtirmaydi, yuksak ideallariga sodiq qoladi, shu ideal yo'lida mardlarcha kurash olib boradi.

Sodiq komissardan ko'zini uzmay, uning yonida dushmanga o' yog'dirib borar ekan, o'zidan ancha narida bir komandirning uch-to'rta nems avtomatchisi qarshisida yolg'iz qolganini, hali zamon nobud bo'lishi mumkinligini fahmlab o'zini o'sha tomonga urdi... Sodiq fritsning boshiga avtomat qo'ndog'i bilan birni tushurib, uni sulaytiradi-da komandirning ustidan surib olib tashladi. Hamon o'zini o'nlab ololmagan usti boshi qon komandirni ko'rib, devor bo'lib qoldi. Bu komandir - Sodiqning tergovchisi Chuxanov edi [2:354].

Asardan olingan lavhada uchragan odami Sodiq yillar davomida nafrat bilan eslab yurgan odami, uning tergovchisi edi. Inson qalbining murakkab kechinmalari ichra Sodiq ham bir on dovdirab qoldi. Yo'q. Bu dovdirash uning ojizligidan esankirashi emas, balki Sodiq matonatining, sabrining sinovi edi. Inson irodasining naqadar kuchliligi, matonat va sabot, adolat va insoniylik g'oyalari roman bosh qahtamoni Sodiq obrazida mujassam.

Qatag'on mavzusi poetik talqini turli davr va yo'nalishlar kesimida muayyan darajada yoritilgan. Shuhratning «Oltin zanglamas» romani sobiq Ittifoq sharoitida yozilgan. Adib inson a'molini jamiyat maslagidan keltirib chiqaradi. Uningcha, har qanday ijtimoiy munosabatlar asosida ezgulik va razolat kurashi yotadi. Soqiq hayotini aynan siyosiy tutum emas, Mirsalim izdan chiqaradi. Lavhada amaldagi axloqiy mezonlarga ishonch hissi barq urib turadi. Muloqot keskin evrilishlarga ibtido vazifasini bajaradi. Tinch-osuda kechayotgan turmush tarzi g'alamis kimsalar yordamida butunlay o'zga o'zanga tushadi. Bosh qahramon jiddiy sinovlarga mardonavor dosh beradi. Muallif qatag'on mazmun-mohiyati, uning millat boshiga solgan fojealarini chetlab o'tishga intiladi. Ba'zi lavhalarda yozuvchi vaziyatni yumshatishga harakat qiladi, joriy holatni hukmron mafkura

ta'siri bilan izohlash maqsadga muvofiq. O'.Hoshimovning «Tushda kechgan umrlar» romanida esa tamomila boshqacha ijodkor yondashuvi kuzatiladi. Adib jarayon sabab va oqibatlarini tahlilda teran gavdalandirishga urinadi:

Akam allaqancha gazeta yig'ib qo'ygan ekan. O'qib, hayron bo'ldim. Birida butun mamlakatni qamoqxonalariga aylantirgan rejim yemirilgani, to'la demokratiya ro'yobga chiqayotgani yoziladi, boshqasida «o'zbek ishi» bo'yicha qamoqqa olingan obkomlar, raykomlar, raislar la'natlanadi. Birida odamlarni e'tiqodi uchun tazyiq ostiga olinganlar qoralanadi, vijdon erkiga yo'l ochilgani aytiladi, boshqasida otasini dafn etish uchun mozorga borib, Qur'on tilovat qilgan kommunist felyeton qilinadi... Qiziq [3:171].

Milliy istiqlol davri o'zbek adabiyoti solnomasida O'tkir Hoshimov ijodi mustahkam o'rin egallaydi. Epik tur barcha janrlarida jiddiy izlanishlar olib borgan yozuvchi adabiy talqinida ijtimoiy-falsafiy tafakkur ruhiy tahlilga payvandlanadi. Kasbi jurnalist bo'lgan Mauzer sinchkov nuqtai nazari bilan qatag'on maqsadini anglab yetadi. G'alati ziddiyat: ota va og'illar orasida dunyoqarash tafovuti ko'zga tashlanadi. Rustam aslida afg'on urushi jabrdiydasi. Uning iztirobi harbiydan qaytgach, yanada chuqurlashadi. Jiddiy o'zgarigan hayot qahramonga keskin fojealar tayyorlagan: Otasi Shomansur Shomatov

hayoti davomida haq va haqsizlikka qarshi kurashgan shaxs bo'lsa-da, ammo ijtimoiy muhitning qurboniga aylangan edi. U uzoq yillar adolatli tarzda jamoa xo'jaligiga raislik qilgan bo'lsa-da, ammo hukmron mafkura oqibatida uni mahv etadi.

Umuman, Shuhratning «Oltin zanglamas» va O'.Hoshimovning «Tushda kechgan umrlar» asarlari analogiyasi shuni ko'rsatadiki, ikkala adib ham adabiy talqinda xarakter tabiatini hayotiy voqelik mantig'idan keltirib chiqaradi. Agar birinchi yozuvchi muammoni o'tkinchi illat sifatida baholasa, O'.Hoshimov ijtimoiy fojea tarzida umumlashtiradi. Har ikki romanga xos jihat qahramonlar amaliy ishlanganlik darajasi teranligi bilan izohlanadi. Bosqichma-bochqich tadrijda mantiqan asoslanadigan inson tiynati tahlilda maromiga yetadi. Ikki davr mafkurasini taqozosini tasdiqlagan adabiy talqinda amaldagi estetik ideal va uning taomillarini ko'rsatish yetakchi o'ringa ko'tariladi. «Oltin zanglamas»da Sodiq obrazi o'sish-zgarishlari voqelik fonida tasvirlansa, Rustam xarakteri kundaliklar, xotira, tafsilot va tuyg'ular kesishuvida qayta ishlanadi. Mavzu va problematika zichligi ilk namunada tasvir mantiqiy yig'iqilgi silsilasida aks etsa, keyingi adabiy talqinda yoyiq ifoda (Afg'on voqealari, paxta ishi, ijtimoiy adolatsizliklar) tahlili tarqoqligida yorqin ijtimoiy-ruhiy-falsafiy-ma'naviy mazmundorlik kasb etadi.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. Adabiyotga e'tibor – ma'naviyatga, kelajakka e'tibor. –Toshkent: “O'zbekiston”, 2009.
2. Shuhrat. Oltin zanglamas. –Toshkent: “Sharq”, 1999.
3. Hoshimov O'. Tushda kechgan umrlar. –Toshkent: “Sharq”, 1994.
4. Normatov U. Ijod sehri. –Toshkent: “Sharq”, 2007.

РЕЗЮМЕ

Maqolada xalqimiz boshidan o'tgan qora kunlar, qatag'on davri yoritilgan romanlar tahlilga tortiladi. Bunda asosan qatag'on mavzusining sobiq ittifoq davrida yoritilishi va joriy mavzuning bugungi kundagi talqini analogik aspektida tadqiq qilinadi. Maqolaga Shuhratning «Oltin zanglamas» va O'.Hoshimovning «Tushda kechgan umrlar» romanlari asos qilib olingan.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается анализу романов во время репрессии в нашей стране. В ней рассматривается описание темы репрессии в период бывшего Советского Союза и в настоящее время в аналогическом аспекте. Изучение этой темы проводится на примере романов «Oltin zanglamas» Shukhrata и «Tushda kechgan umrlar» U.Hashimova.

SUMMARY

The article deals with the analysis of novels during the repression in our country. The author of the article studies the topic of repression at the period of the former Soviet Union and at present time in the analogous aspect. The study of this topic has been done on the examples of the novels «Oltin zanglamas» by Shukhrat and «Tushda kechgan umrlar» by U.Hashimov

СТРУКТУРНО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ И ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ В КАРАКАЛПАКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

Б.Ж.Шаниязов – кандидат филологических наук, доцент

Ф.Т.Отенова – кандидат биологических наук, доцент

А. Уразбаева – студентка 2 курса факультета иностранных языков

Нукутский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: семантик типология, сўз маъноси, семантик система, лексик маъно, умумистеъмомдаги сўзлар.

Ключевые слова: семантическая типология, значение слова, семантическая система, лексическое значение, общеупотребительные слова.

Key words: semantic typology, the naming of the word, semantic system, lexical meaning, common used words.

К проблематике семантической терминологии относятся вопросы соответствия терминов с соотносимыми с ними понятиями.

По классическому определению В.В.Виноградова лексическое значение слов – это предметно-вещественное содержание, оформленное по законам грамматики данного языка и являющееся элементом общей семантической системы словаря этого языка [1].

В научной литературе до сих пор не решена проблема описания терминологии как системы общелитературного языка в контексте лексикосемантических и грамматических категорий и процессов общелитературного языка. Исследования в этой области обозначают то общее, что связывает то отличное, что характерно для терминологии и выделяет её как подсистему.

Термин представляет собой исторически сложившуюся единицу терминологической системы, единицу, которая

обозначает понятия: термин представляет собой слово или словосочетание, служащее общению людей, объединённых общей специальностью, профессией, поэтому сфера его употребления обычно узка, чем сфера употребления слов неспециальных [5:174].

Т.Н.Великада определяет лексическое значение слова как существующую в нашем сознании связь между звукографической оболочкой слова и тем объектом или явлением внеязыковой действительности, которое оно называет (или отношением субъекта к внеязыковой реальности) [3:7].

Необходимость изучения семантики термина вызвана его особенностью использоваться в качестве наименования специального понятия. Лексическая единица языка наделяется терминологическим, т.е. понятийным значением, которое накладывается на её собственно языковое, т.е. лексическое значение [2].

И общеупотребительные слова, и термины являются системными языковыми единицами, и их системный статус определяется наличием языковых единиц лексического значения. И термин, и общеупотребительное слово соотносятся с понятием и представлением как формами логического и образного мышления и осуществляют сигнификативную и номинативную функцию, являются системными единицами [3].

Однако, в отличие от семантики слова, семантика термина представляет собой комплекс, взаимно действующий между собой лексического и понятийного значения. В современной литературе лексическое значение называется также внутренней формой или буквальным значением термина [4].

1. Лексическое значение термина может полностью совпадать с понятийным, например, в экологических терминах каракалпакского языка *жаман жерлер*, *биосфералық қорықханалар* в английском языке *bad land*, *biosphere reserve* и т.д. Также термины принято называть правильно ориентирующими.

2. В ряде случаев, если заимствуется иноязычное слово или утеряно или забыто первоначальное значение слова, используемого в качестве термина, собственное лексическое значение термина может отсутствовать (например, *экологиялық арал – ecological area*, *Қызыл кітап – Red book* и т.д.). Такие термины можно называть немотивированными или семантически нейтральными.

3. Несоответствие лексического значения термина и соответствующего понятия проявляется в понятийном значении термина, а в другом случае лексическое значение термина содержит несущественные или избыточные признаки понятия или не содержит существенных признаков, выделяющих данное понятие.

Недостатки содержательной стороны терминов, вызывающие необходимость в их нормализации проявляются в отклонении от взаимно однозначного соответствия между терминами и понятиями и несоответствии между лексическими и понятийными значениями термина. Отклонения от взаимно однозначного соответствия между понятиями и терминами проявляются в использовании одной лексической единицы для называния нескольких понятий или для использования значений нескольких лексических единиц для выражения одного понятия (синонимия) [5].

Что касается синонимии терминов, то следует отметить, что под понятием синонимии в общелитературном языке и в терминологии понимают иногда не совсем одинаковые явления. В общелитературном языке синонимы – равно звучащие, не совпадающие по значению или имеющие сходные близкие значения слова.

А.А. Реформатский вносит существенные дополнения к пониманию этого явления, «заключающиеся в том, что слова-синонимы называют ту же вещь, но соотносят её с разными понятиями и тем самым через название вскрывают разные свойства данной вещи» [6:96]. Именно этим, наиболее существенным признаком общелитературные синонимы соотносятся с одним и тем же понятием и объектом. Поэтому данное явление некоторые исследователи называют терминологическими дубликатами.

Причины и источники возникновения синонимов (дублетов) в терминологии частично совпадают с общелитературным языком, и частично отличаются от него. К общим можно отнести случаи параллельного употребления экологических терминов. Например: *паразитизм*, *аменсализм*, *комменсализм*, *симбиоз* (*paratizь, commonsies*).

В терминологии, кроме того синонимы являются результатом существования двух вариантов в заимствовании – полного и краткого. Сюда можно отнести случаи параллельного употребления аббревиатурного варианта и полной формы наименования: AC-active climate (актив климат), BD-bases data (мағлыұматлар базасы), GP- gas proofment (газге шыдамлы), GIS-geoinformational system (геоинформациялык система), LD-latal dore (летел муғдар), nc-natural complex (тэбият комплекси), RAP-radioactive pollutions (радиоактив патаслануу), TEP-technical-economical proofment (техникалык-экономикалык тийкап), ECS-ecological system (экологиялык система), IRC – International Rhine Committee (халық аралық Рейн шөлкеми), ИЕ – Institute of Terrestrial Ecology (экологиялык курғақлык институты), TOC – total organic carbon (улыұма органикалык углерод), WCB-ISEE – World Council for the Biosphere – International Society for Environmental Education (Халық аралық Биосфера кеңеси – Халық аралық экологиялык билимлендириу жэмийети) [5].

Примеры синонимии в терминологии свидетельствуют о достаточно большой распространённости этого процесса в специальной лексике. И хотя синонимия имеет здесь свои характерные черты и свои причины проявления, она именно в этом своём проявлении органически присуща терминологии и широко представлена как в сфере фиксации, так и в практическом применении.

Основные лексико-семантические процессы затрагивают и термино-логическую систему лексики по экологии (по охране окружающей среды). И даже в тех случаях, когда общепринятым стало мнение о вредности таких явлений, как полисемия и синонимия для терминологии, и мнения не могут найти практического воплощения, так как естественное развитие этих явлений в терминологической лексике сильнее искусственных приёмов освобождения терминологии от них.

Литература

1. Виноградов В.В. – Лексикология и лексикография. -М.: 1977.
2. Великода Т.Н. – Лексическое значение общеупотребительного слова и термина.
3. Гринёв-Гриневич С.В. –Терминоведение: учебное пособие для студентов высших учебных заведений. -М.: 2008.
4. Никифоров В.К. – О системности термина. Вопросы языкознания. 1968, №1.
5. Сороколетов Ф. П. - История военной лексики в русском языке. -Л.: 2009.
6. Реформатский А.А. - Что такое термин и терминология, - М.: 1965.
7. Реймерс Н.Ф. - Природопользование. Словарь - справочник. -М.: 1990.
8. Англо - русский словарь по охране окружающей среды. -М.: 1986.
9. Аюбов У.Т., Тиллаев Т.С. - Атроф мухитни мухофаза килиш: конунлар ва норматив хужжатлар. –Тошкент: 2002.

РЕЗЮМЕ

Мақолада экологик терминлар ва уларнинг семантик-структурал ва типологик хусусиятлари сўз қилинади. Ушбу терминларнинг хархил тизимдаги тиллардаги лексик маънолари, умумистеъмолдаги хусусиятлари, шунингдек, терминологиядаги синонимия масалалари баён қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются структурно - семантические и типологические особенности экологических терминов, их лексические значения и общеупотребительность в разнотерминологических языках. Рассматривается также явление синонимии в терминологии.

SUMMARY

The article deals with the structural-semantic and typological peculiarities of ecological terms, their lexical meaning and common use in languages belonging to different systems. The author of the article also studies the synonymy in terminology.

PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA HA'M METODIKA

ХАЛҚ ҲАМЛАРИ- БАҲАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ПЕДАГОГИК ОМИЛ

А.А. Абдуллаев -ўқитувчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: баркамол шахс, халқ ўйинлари, педагогик омил, фаоллик машғулоти, ўқувчилар, усул ва воситалар.

Ключевые слова: здоровое поколение, личность, народные игры, педагогический фактор, активность, занятие, учащиеся, приёмы и средства.

Key words: healthy generation, personality, folk games, pedagogical factor, activeness, lesson, students, ways and means.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида таълим-тарбия тизimini жаҳон андазаларига мос даражада ташкил этишга эътибор қаратилаётганлиги соҳанинг янада ривожига ҳамда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишида асосий омиллардан бўлмақда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури», шунингдек, бир қатор қарор ва фармонлар юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама ривожлантириш орқали соғлом авлоднинг вояга етказишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Истиқлол йилларида спорт ўйинлари таркибига халқимизнинг бой маданий қадриятларидан ҳисобланган миллий халқ ўйинларининг изчил равишда киритиб борилаётганлиги ва улардан таълим-тарбия жараёнларида самарали фойдаланилаётганлиги таълим олувчиларни нафақат жисмоний, балки халқимизга хос бой маданий-маърифий қадриятлар, юксак маънавий-ахлоқий ғоя ва қарашлар руҳида тарбиялашда ҳаётбахш замин вазифасини ўтамоқда.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарига таъкидланганидек, албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади [1:15].

Таъкидлаш керакки, миллий халқ ўйинлари ҳам ана шундай қиммат касб этган қадриятларимиздан саналади. Миллий тавсифга эга бўлган жисмоний машқлар, спорт ва халқ ўйинларининг хилма-хиллиги уларни ўқув-тарбия жараёнининг жуда кўп соҳаларида қўллаш имконини беради. Жисмоний тарбия дарсларида халқ ўйинларидан фойдаланишнинг мақсади ҳар томонлама етук, чиниққан, соф фикрли, мард, саботли, қатъиятли, келажакда Ватанни ҳимоя қила оладиган шахсларни камол топтиришдан иборат.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўқув-тарбия жараёни ва синфдан ташқари ишлар жараёнида халқ ўйинларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг дидактик асосларини яратишга ҳозирда катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, миллий халқ ўйинлари ва спорт турлари қадим замонлардан бери халқимиз ҳаёти, унинг маданий, иқтисодий, ижтимоий, маиший томонларини ўзида мужассам этиб келади. Асрлардан асрларга ўтган бу ўйинлар, ўз навбатида, ёшларни тарбиялашнинг асосий воситаларидан бўлиб хизмат қилади. Ўқув жараёнида халқ ўйинларидан фойдаланиш ва уларни мустақил бажаришга ўргатиш ўқувчиларнинг дарсга бўлган кизиқишларини оширади. Ўқувчилар ижодий жўшқинликни хис қиладилар. Шу билан бирга, маданий бойликларимиз билан танишадилар, қадимий атама ва ибораларимизни ўрганадилар.

Жумладан, «Дурра», «Отиб қочар», «Учталик тўптош», «Ҳақкалакам шarti», «Отамбақала-Қоқбош», «Икки тош», «Чопик қулол», «Жон тўпим», «Кўйлагим», «Айланма ғўв-ғўв», «Кувнок полвон» ўйинлари ақлий, ахлоқий ва эстетик камолотнинг мезонлари бўлса, халқ анъанавий спорти («Тўплаш пойғаси», «Овчилар ва ўрдақлар», «Чир айланма», «Отишма», «Аниқ нишонга ол», «Ҳаракатдаги қарқон», «Таёқчани тортиб ол», «Ўзани яганалаш») ва бошқалар – фарзандлар бақувватлиги, ақлий ва жисмоний етуклигининг гаровидир. Халқ ўйинларидан кўзда тутилган асосий мақсад ўқувчиларни спорт ўйинларига тайёрлашдир.

Дарҳақиқат, ўйинлар бутун авлод-аждодларимиз, ота-боболаримиз ҳозирги замон сиз каби авлодларининг

жисмоний, ақлий, маънавий камол топишларига беқиёс катта ҳисса қўшган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Чунки, ёш авлод учун ўйин бу ҳамма замонларда турмуш тарзи, ҳаёт омилли, унинг ўлчови бўлиб қолади. Ўйиннинг мазмуни бойиб, шакллари кўпайиб бораверади. Тараккиёт шуни тақозо этади. Чунки, бутунги ўқувчи - эртанги куннинг ижодкор яратувчисидир. Ўйин бу ижод, ўйин бу ҳаётдир» [2:54].

Халқ ўйинларидан фойдаланишдан асосий мақсад ўқувчиларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, кундалик ҳаётга мослаштириш экан, миллий ҳаракатли ўйинларни бошқа фанларга алоқадор, узвий боғлаган ҳолда ташкил этиш керак. Чунки ўқувчи ҳар қайси шароитда: мактабдаги дарс жараёнида ҳам, уйдаги дам олиш соатларида ҳам ушбу халқ ўйинлари билан самарали тарзда машғул бўла олинсин. Дарс вақтидаги ва дарсдан ташқари машғулотларда ўрганган машқлари ўқувчи учун уйдаги машғулотларга мустақам асос бўлиши даркор. Машғулотларда бошланган амалий машқлар уйда давом этиши ва такрорланиши зарур. Бунда ўқитувчидан ўқувчига мажбуран эмас, балки халқ ўйинларини уларнинг ичидан қизиқарлиларини танлаб олган ҳолда қизгин ташкил этиш ва ўқувчининг ўз уйида қизиққан ҳолда мустақил такрорлаши, машқ қилишига эришиши талаб этилади.

Бунинг учун эса жисмоний тарбия дарсларининг мазмуни изчил равишда такомиллаштирилиши керак. Маълумки, дарслар залда, майдончада, йўлакда ўтказилади. Аммо синфдан ташқари машғулотларда ўқувчилар билан турли халқ ўйинларини табиат қўйнида ўтказиш ўқувчиларнинг янада фаоллашувига олиб келади. Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилар спорт формасида бўладилар. Агар ўқитувчи миллий халқ ўйинлари руҳига мос ҳолда ўқувчиларни кийим танлашга жалб қилса, уларда миллий ва маданий қадриятларимизга нисбатан муносабат билдириш, фикрлаш, ижодкорлик қобилиятлари шаклланади. Чунки азалдан ўзига хос удумлардан бирига айлиниб келган халқ амалий ўйинларида иштирокчиларнинг кийим-бошлари ҳам ўзига хос аҳамият касб этган.

«Ўйинни тўғри танлаш ва мақсадга мувофиқ йўсинда ўтказиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Аммо ўйин ҳамма вақт ҳам тарбиявий вазифаларни хал қилавермайди. Тарбия соҳасида яхши натижага эришиш учун ҳаракатли ўйинлар тарбиявий ташкил қилиниши ва ўтказилиши керак. Ўйин раҳбари ўқувчилар жамоасини яхши билиши, ҳар бир ўйиннинг мазмуни ва қоидалари билан муфассал танишиши, юксак педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Шундагина у ҳаракатли ўйинлардан кўзланган таълимий ва тарбиявий мақсадларга эриша олади» [3:31-34].

ДТС талабларидан аёнки, жисмоний тарбия дарслари таълим, тарбия ва соғломлаштириш вазифаларига эга. Баъзи халқ ўйинларини ўқувчиларга тўлиқ ўргатиш ва уларни амалда бажара оладиган даражага етказиш учун 1 соатлик дарс кифоя қилмайди, айримлари учун эса дарс машғулоти етарли бўлиши мумкин. Масалан, халқ ўйинларидан бўлган «Подачи» ўйини икки тараф – ҳимоячи ва ҳужумчи гуруҳлар иштирокчини тақозо қилади. Биринчи дарсда ўйиннинг шarti, иштирокчиларнинг эгаллайдиган жойлари, қўлидаги таёқчалар, қоптоқлардан фойдаланиш талаблари, тақикланадиган ҳаракатлар ҳақида тушунтирилса, иккинчи соатда ўйинга старт берилади ва ўйин малакалари ўзлаштирилади.

Ҳаракатли ўйинларнинг ичида миллий халқ ўйинлари жинслар ўртасидаги тафовутлар билан ҳам ажралиб туради. Бу хусусият ўзбек халқининг миллийлиги, ўзига хослиги, унинг менталитетидан келиб чиқади, албатта. Шарқда қадимдан қизлар ва ўғил болаларнинг алоҳида тарбия қилингани миллий халқ ўйинларида ҳам кўриниб туради. Шу сабабли, ўқитувчи ушбу жиҳатларга ҳам эътибор

қаратмоғи зарур. Масалан, қизлар ўртасида “Беш тош”, “Рўмолча тугиш”, “Дукком”, ўғил ўқувчилар ўртасидаги “Хўрозлар жанги”, “Чавандозлар мусобақаси”, “Ёнғок уриш”, “Мерганлик” каби халқ ўйинлари уларни икки гуруҳга бўлиниб, алоҳида ўйнашини асосий шарт қилиб кўяди.


Ўқитувчи дарс мазмунини ташкил этишни кўзлар экан, биринчи навбатда, машғулот учун қулай шарт-шароит яратиб олиши зарур. Буни маънавий ва жисмоний омилларга бўлиш мумкин. Ўқувчи маълум мавзуга ёки дарсда ўрганиладиган халқ ўйинларига ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр туриши керак. Жисмонан эса соғлом, бардам, маълум амалий ҳаракатни бажариш учун ўзида куч, ғайрат ва ишонч сезиши керак.

Халқ ўйинларининг спорт ўйинларига нисбатан ҳам мураккаб, ҳам содда, осон томонлари бор дейиш мумкин. Халқ ўйинлари учун катта жисмоний куч, зўриқиш талаб қилинмайди, дейилса хато бўлади, бизнингча. Негаки, баъзи халқ ўйинларида тананинг деярли барча аъзосига кучлар нисбати тенг келиб, уларни фаол ишлашга чорлайди. Шундай экан, мазкур ўйинлар учун ўқувчиларни улардан олдин тайёрлаш, энгил машқларни бажаришга йўналтириш керак.

Бу вазифаларни бажариш, аввало, ўқитувчилардан дарсларни ва синфдан ташқари машғулотларни юкори даражада ташкиллаштиришни талаб этади. Дарсни қисмларга бўлган ҳолда, уни кириш, яъни ташкилий, асосий ва якуний қисмларга ажратиш ҳамда уларда назарий ва амалий билимларни бериш орқали кўзланган педагогик мақсадга эришиш лозим. Ҳар бир дарс ўқувчиларга таълим-тарбия беришни кўзда тутар экан, машғулотлар мазмунан тугалланган бўлиши шарт.

Кириш қисмда ҳаракатлар соддадан мураккабга қадар борса, асосий қисмда мураккаб ҳаракатли ўйинлар тобора соддалаштирилиб борилади. Чунки ўқувчилар кучли эмоционал, жисмоний, руҳий зўриқиш ҳолатидан хотиржам ҳолатга бирин-кетин, босқичма-босқич ўтишлари керак. Бунда ўқитувчи амалий ҳаракатлар кетма-кетлигига қатъий эътибор қаратиши даркор.

Буни қуйидаги чизмада келтирган бўлардик:



Халқ ўйинлари жисмоний тарбия дарслари ва синфдан ташқари, яъни танаффуслар пайтида ўтказиладиган ўйинлар, қуни узайтирилган гуруҳлардаги спорт соатлари, сайрлар, спорт мусобақалари, спорт секциялари, спорт байрамларидаги машқ ва машғулотларда ташкил қилинар экан, аввало, улар ташкил этиладиган жой, ҳаво ҳарорати, ўқувчилар кийим-бошларининг тўғри танланганлиги, уларнинг сихат-саломатлиги биринчи галда эътиборга олинishi керак. Агар ҳаво ҳарорати совуқ бўлса, организмни киздирувчи, фаоллаштирувчи машқлар билан дарсни бошлаш, агар ҳаво ҳарорати иссиқ бўлса, шунга мос равишда ўқувчиларни бирдан зўриқтирмайдиган машқларни танлаш маъқул саналади. Айниқса, совуқ об-ҳаво шароитида маълум ҳаракатли ўйинлардан сўнг тезлик-тезкорликни талаб қиладиган халқ ўйинларини ташкил қилиш қўтилган самараларни бериши мумкин. Масалан, “ҲАККАЛАГАН ҚУШЧАЛАР” миллий халқ ўйинини

олайлик, ундаги шартга кўра, ер (пол)га айлана чизилади. Доира марказида бошловчи - “қарға” туради. Доира ташқарисида бошқа ўқувчилар – “қушчалар” бўлади. Улар доира ичига сакраб кириб, сакраб юрадилар ва яна сакраб чиқади. Қарға чумчуқларни доира ичиде тутишга ҳаракат қилади. Бунинг учун уларга кўлини текказса бас. Тутилган “чумчуқ” билан “қарға” ўрин алмашади. Бу ўйин ўқувчиларда кизиқишни ошириш билан бирга, ўқувчиларни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ўйинлар асосан мусобақалар шаклида ташкил этилади. Шундай экан, ўқитувчи мусобақа усулининг мақсади, моҳияти ва вазифасини аниқ ҳис эта олиши керак. Мусобақа вазифаси – асосийлардан бўлиб, спортчи ва жамоаларнинг ғолиблигини аниқлайди. Ўринларни белгилайди. Спорт тайёргарлигининг даражасини баҳолайди. Мусобақа фаолияти учун спортчиларни тайёрлаш тизимини ишлаб чиқади. Экстремал шароитларда инсон организмни имкониятларини аниқлайди, жамиятдаги инсон фаолиятининг бошқа томонлари, яъни меҳнат, касб, саломатликни яхшилаш ва ҳ.к.лар билан алоқани мустаҳкамлайди.

Ўқувчиларда амалий халқ ўйинлари воситасида шахсий сифатларни шакллантириш, уларда умуминсоний фазилатлар: ўғил ўқувчиларда жасурлик, ботирлик, қатъиятлик, чапдастлик, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш ва ҳаракатланиш, қизларда эса халқимиз хотин-қизларига хос нафосат, орасталик, гўзаллик, кучлилиқ ва матонатлилиқ хислатларини қарор топтириш усуллари ҳам жисмоний тарбия дарсларининг асосий мазмунини ташкил қилади. Бунинг учун халқ ўйинларини танлашда ушбу жиҳатларга эътибор қаратиш, имкон қадар ўқувчиларда юкорида таъкидланган фазилатларни шакллантиришни кўзда тутувчи халқ ўйинларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан, қизлар учун “Тўптош”, “Бештош”, ўғил ўқувчилар учун эса “Хўроз ўйини”, “Чавандозлар ўйини” қабиларни мисол қилиш мумкин. “Оқ теракми кўк терак” ўйинини ўқувчилар умумий ҳолда ўйнашлари мумкин.

Ўйинлар ўқувчилар учун «Ҳаётга тайёрланиш мактаби» бўлиб, уларнинг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланишига хизмат қилади. Ўйин ўқувчи онги, тафаккурини ўстириб, хотира, диққат, иродасини мустаҳкамлайди, уларни жисмоний, руҳий, ҳиссий (эмоционал) тараккий эттиришга хизмат қилади. Шунингдек, ўйин ўқувчини катта ҳаётга тайёрлашда машқ вазифасини бажариб, келажакда ҳаётда дуч келинадиган турли ҳолатларга маънавий тайёрлайди. «Агар бола ўйинда ҳалол ўйнаса, кейинчалик ҳаётда ҳам ҳалол бўлади» ёки «Боланинг ўйиндаги ҳаракатига қараб, унинг қандай одам бўлишини айтиш мумкин», деган нақллар бекорга айтилмаган [4:26].

Машғулотларда замонавий педагогик технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, бу жараёнда тарқатма ва кўрсатмали материаллар орқали ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ўстириш, уларда эстетик сифатларни шакллантиришни жисмоний машқлар уйғунлигида олиб бориш тавсия этилади.

Бунинг учун қуйидаги тарқатма материаллардан фойдаланиш таклиф қилинади:

“Мулоҳаза” методи

Сизга энг кўп ёққан халқ ўйинларини ёзинг.

- 1.Дўстларингиз билан кўпроқ ўйнашни истаган 5 та халқ ўйинини ёзинг.
- 2.Нима учун бу ўйинларни ёқтиришингизни ёзма изоҳланг.

Изоҳ: Бу метод технологияси ўқувчиларнинг халқ ўйинларига муносабати, уларга бўлган кизиқишини аниқлашга ёрдам беради. Халқ ўйинларини ташкиллаштиришда, аввало, уларнинг кизиқишларини ҳисобга олиш машғулотларнинг қўтилгандек бўлишини таъминлайди.

“Танлаб олиш ва изоҳлаш” методи

Сиз танлаган халқ ўйини номи	Нима учун шундай номланади, изоҳланг	Сиз бу ўйинга қандай ном берган бўлардингиз?

1.Жадвал ўқувчиларга тарқатилади.

2. Жадвал ўқувчилар томонидан ўз тасаввурларига асосан мустикал тўлдирилади.

3. Энг кўп халқ ўйини ҳақида фикр билдирган, уни изоҳлаган ўқувчига юқори балл берилди.

Изоҳ: Мазкур метод ўқувчиларнинг халқ ўйинлари, уларнинг моҳияти, келиб чиқиши ва тарихига оид дастлабки тасаввур ва тушунчалар даражасини аниқлашга ёрдам беради. Қачонки ўқувчилар халқ ўйинларининг моҳиятини аниқ тушунар эканлар, амалда уларни бажаришда янада эътиборли ва масъулиятли бўладилар.

“Вазиятдан чиқиш” методи

Қийин вазиятга тушиб қолганда қўл келадиган халқ ўйинларини ёзинг		
Вазият	Халқ ўйини	Нега шундай?

Изоҳ: Бу метод ўқувчиларда тезкорлик, чаптастлик, эпчиллик, ҳаракатчанлик, топқирлик, тadbирлилик сифатларини шакллантирувчи халқ ўйинларига уларни аввалдан назарий тайёрлайди. Улардан қайси вақтда,

Адабиётлар

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият–енгилмас куч”. -Тошкент: «Маънавият», 2008. – 176 б.
2. Махмудов С. Ўзбек удумлари. -Т.: «Фан», 1993.- 218 б.
3. Аслонова М. “Таълим жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш.(бошланғич синфларнинг жисмоний тарбия дарслари мисолида)”. Номз.дисс. -Навий: 2008. 155- б.
4. Қорабоев У. “Ўзбек халқ ўйинлари”. -Тошкент: 2001. 26-б.

Мақолада халқ ўйинлари баркамол шахс тарбиясида муҳим педагогик омил сифатида ўрганилган бўлиб, машғулотларда улардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш усул ва воситалари қайд этиб ўтилган ҳамда тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрыто значение народных игр как важного педагогического фактора воспитания гармоничной личности. Даны рекомендации по их использованию на занятиях в целях повышения активности учащихся.

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

The article deals with the meaning of national games as an important pedagogical factor in the upbringing of harmonious personality. The author gives recommendations how to use them at the lessons with the purpose of increasing students' activeness .

ТВОРЧЕСКИЙ ХАРАКТЕР НЕТРАДИЦИОННЫХ УРОКОВ

Р.А.Абдуллаева – ассистент преподаватель

Н.А.Джуманиязова - студентка 3 курса факультета иностранных языков
Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: ижодий ишлар, самарали фаолият, ноанавий методлар, ижтимоий-маданий компетенция, шахс камолоти, шахсий интеллектуал сифатлар.

Ключевые слова: творческая работа, эффективная деятельность, нетрадиционные методы, социо-культурная компетенция, развитие личности, индивидуальные интеллектуальные качества.

Key words: creative work, effective activity, non-traditional methods, socio-cultural competency, development of a person, individual intellectual qualities.

Известно, что целью обучения является формирование коммуникативной компетенции, включающей в себя как научную, так и социо-культурную компетенцию, ибо без знания социо-культурного фона нельзя сформировать коммуникативную компетенцию даже в ограниченных пределах.

Формирование положительной мотивации должно рассматриваться учителем как специальная задача. Как правило, мотивы связаны с познавательными интересами учащихся, потребностью в овладении новыми знаниями, навыками, умениями. Но первая и естественная потребность обучения - коммуникативность. Для организации благоприятного климата, ориентирующего учащихся на коммуникацию, необходимо выбирать такие формы урока, которые будут стимулировать деятельность учащихся.

Для плодотворной и эффективной деятельности учащихся характерны нетрадиционные формы проведения занятий. К таким занятиям следует отнести: урок-спектакль, урок-праздник, урок-экскурсию, видео урок и т.д.

Опыт школьных преподавателей и исследования педагогов-новаторов показали, что нетрадиционные формы проведения уроков поддерживают интерес учащихся к предмету и повышают мотивацию учения.

Главным достоинством нетрадиционных форм уроков является развитие и совершенствование социо-культурной компетенции учащихся, расширение по сравнению с базовым уровнем знаний о культурном наследии стран изучаемого языка. Проблема преподавания иностранных языков в школе в настоящее время актуальна, потому что традиционные формы проведения уроков надоедают и хочется чего то нового.

К традиционным школьным занятиям принадлежит, как известно, уроки изучения нового материала, закрепления знаний, умений и навыков, проверки и учёта приобретён-

ной знаний, умений и навыков, анализа контрольных работ, обобщения и систематизации выученного, повторение темы или раздела. Наряду с этими формами обучения в последнее время широко используются и нетрадиционные или нестандартные. Это, в частности, уроки-семинары, зачёты, лекции, конкурсы, путешествия, интегрированные уроки, занятия-конференции, диспуты, уроки-сказки, тематические игровые уроки, благодаря которым учащиеся быстрее и лучше усваивают программный материал.

Ориентация современной школы на гуманизацию процесса образования и разностороннее развитие личности ребёнка предполагает, в частности, необходимость гармонического сочетания собственно учебной деятельности, в рамках которой формируются базовые знания, умения и навыки, с деятельностью творческой, связанной с развитием индивидуальных задатков учащихся, их познавательной активности, способности самостоятельно решать нестандартные задачи и т.п. Активное введение в традиционный учебный процесс разнообразных развивающих занятий, специфических направленных на развитие личностно-мотивационной и аналитико-синтетической сфер ребёнка, памяти, внимания, пространственного воображения и ряда других важных психических функций, является в этой связи одной из важнейших задач педагогического коллектива.

Значимость указанных выше занятий в общем учебно-воспитательном процессе обусловлена, прежде всего, тем обстоятельством, что сама по себе учебная деятельность, направленная в традиционном её понимании на усвоение коллективным учащимся в целом требований базовой школьной программы, не сопряжённая в должной степени с творческой деятельностью, способна, как это ни парадоксально, привести к торможению интеллектуального развития детей.

Привыкая к выполнению стандартных заданий, направленных на закрепление базовых навыков, которые имеют един-

ственное решение и, как правило, единственный заранее предопределённый путь его достижения на основе некоторого алгоритма, дети практически не имеют возможности действовать самостоятельно, эффективно использовать и развивать собственный интеллектуальный потенциал. С другой стороны, решение одних лишь типовых задач обедняет личность ребёнка, поскольку в этом случае высокая самооценка учащихся и оценка их способностей преподавателями зависит, главным образом, от прилежания и старательности и не учитывает проявления ряда индивидуальных интеллектуальных качеств, таких, как выдумка, сообразительность, способность к творческому поиску, логическому анализу и синтезу.

Таким образом, одним из основных мотивов использования развивающих упражнений является повышение творческо-поисковой активности детей, важное в равной степени как для учащихся, развитие которых соответствует возрастной норме или же опережает ее (для последних рамки стандартной программы просто тесны), так и для школьников, требующих специальной коррекционной работы, поскольку их отставание в развитии и, как следствие, пониженная успеваемость в большинстве случаев оказываются связанными именно с недостаточным развитием базовых психических функций. Следует также отметить, что игровой, увлекательный характер заданий, являющихся в то же время психологическими тестами, снижает стрессогенный фактор проверки уровня развития, позволяет детям, отличающимся повышенной тревожностью, в более полной мере продемонстрировать свои истинные возможности.

Введение в школьную программу нетрадиционных методов преподавания имеет целью расширить учебный процесс и, не отрываясь от проблем обучения и воспитания, развить личностные качества ребёнка. Проблема развивающего обучения сегодня настолько актуальна, что нет, пожалуй, ни одного учителя, который не задумывался бы над ней [8:50].

Традиционно процесс обучения рассматривается как процесс взаимодействия учителя и учащихся, в ходе которого решаются задачи образования, воспитания и развития. К основным структурным компонентам, раскрывающим его сущность, относят цели обучения, содержание, деятельность преподавания и учения, характер их взаимодействия, принципы, методы и формы обучения. Через эти общие сущностные характеристики возможно выявление особенностей развивающего обучения. Нельзя сказать, что идея развивающего обучения нова, что раньше проблемы развития ребёнка в процессе обучения не ставились и не решались. Ряд учёных Л.С.Выготский, Е.Н.Кабанова-Миллер, Н.А.Менчинская и другие внесли свой вклад в решение проблемы развития личности в процессе обучения. В тот или иной период развития общества эта идея выдвигается на передний план или временно "забывается", но никогда не снимается, никогда не прекращается её изучение, а главное практическая реализация в школе. Сущность взаимосвязи образовательных и развивающих задач, обучения и развития в целом раскрыта Л.С.Выготским; его исследования позволяют решить кардинальный вопрос типологии обучения. То обучение, которое ограничивается в своих целях лишь овладением внешними средствами культурного развития (к ним относится овладение письмом, чтением, счетом), можно считать традиционным, решающим сугубо образовательные задачи. Обучение, которое в качестве ведущих целей рассматривает обеспечение (организацию) развития высших психических функций личности в целом через овладение внешними средствами культурного развития, является развивающим и приобретает при этом целенаправленный характер. Результатом такого обучения служит достигнутый ребёнком уровень развития личности, его индивидуальности.

В традиционном (объяснительно-иллюстративном) обучении преобладает догматический тип учения, который предполагает репродуктивный способ и уровень усвоения учебного содержания. Основные усилия учеников при этом

сосредоточены на восприятии готовых знаний, образцов выполнения действий на их закреплении и воспроизведении. Находясь в ситуации решения какой-либо задачи, школьник, как правило, не старается найти способ решения, а усердно пытается вспомнить решение аналогичных задач. Если вспомнить не удаётся, ученик чаще всего оставляет задачу нерешённой или прибегает к другим (не учебным) способам выполнения [8:52].

Соответственно целям, содержанию обучения изменяется и позиция учителя в учебном процессе, и характер его деятельности, принципы, методы и формы обучения. В нетрадиционном обучении деятельность учителя меняется коренным образом. Теперь главная задача учителя не «донести», «преподнести», «объяснить» и «показать» учащимся, а организовать совместный поиск решения возникшей перед ними задачи. Учитель начинает выступать как режиссёр мини-спектакля, который рождается непосредственно в классе. Новые условия обучения требуют от учителя умения выслушать всех желающих по каждому вопросу, не отвергнув ни один ответ, встать на позицию каждого отвечающего, понять логику его рассуждения и найти выход из постоянно меняющейся учебной ситуации, анализировать ответы, предложения детей и незаметно вести их к решению проблемы.

Вызывают интерес школьников и необычные названия, но по сути привычные виды работ: изложение-перевод, «сочинение-различение» (стилизация), «сочинение-развлечение» (лингвистические миниатюры, подражания и т.д.).

Что значит звук? Цвет и настроение звуков. Можно ли нарисовать стихотворение?

«Говорящие» морфемы. Зачем писатели и поэты создают новые слова?

Тайны лексики: слова родные и пришельцы, старые и новые слова. Умеем ли мы читать текст? Глобальное, детальное и критическое восприятие текстовой информации. Ключевые слова. Тема и микротема. Автобиография текста. Какие бывают тексты?

Каждое занятие завершается творческой работой, которую каждый школьник выбирает из блока предложенных вариантов по собственному желанию. Объём также определяется ребёнком самостоятельно. Созданные речевые произведения прочитываются автором на занятии и обсуждаются коллективно. Основным критерий - оригинальность выполнения творческого задания, нешаблонность речевого оформления.

Отрадно, что методика организации творческой деятельности пересматривает свои ориентиры: в центре внимания оказывается не столько текст (в разнообразии стилей, типов и жанров), сколько ребёнок - со всеми его впечатлениями, с потребностью в образном мышлении, с внутренними критериями нормативности речи, среди которых важным для учителя и ученика оказывается критерий свободного выбора и неповторяемости языковых средств и композиции создаваемого речевого произведения [5:25].

Как известно, целью обучения в школе является формирование межкультурной компетенции учащихся, которая реализуется в способности к речевому общению. Залогом успешной речевой активности учащихся являются нетрадиционные формы уроков, в ходе которых учащиеся расширяют знания, что позволяет учащимся принимать активное участие в обсуждении.

Нетрадиционные формы проведения уроков дают возможность не только поднять интерес учащихся к изучаемому предмету, но и развивать их творческую самостоятельность, обучать работе с различными источниками знаний.

Такие формы проведения занятий «снимают» традиционность урока, оживляют мысль. Однако необходимо отметить, что слишком частое обращение к подобным формам организации учебного процесса нецелесообразно, так как нетрадиционное может быстро стать традиционным, что, в конечном счёте, приведёт к падению у учащихся интереса к предмету.

Литература

1. Власенков А.И. Развивающее обучение русскому языку. - М.: 1983.
2. Караваев А. Игровые уроки в старших классах. // Учитель. 2006, № 1.
3. Котельникова С.А. Творческие работы нетрадиционных жанров. // Русский язык в школе. 1997, № 1.
4. Крупеникова М.И. Эффективные методы и приемы организации урока. // Русский язык в школе. 1997, № 4.

5. Кулагин П.Г. Межпредметные связи в процессе обучения. - М.: 1980.

6. Махмутов М.И. Современный урок: Вопросы теории. - М.: 1981.

РЕЗЮМЕ

Юқорида кўрсатилган вазифалар кундалик шароитларда машғулотлар давомида амалга оширилади.

Эшитишда нуқсон борлиги қанчалик тезроқ аниқланса, таълим бериш қанчалик тезроқ бошланса, муваффақиятга имконият кўпроқ бўлади. Илк ёшдан (3 ёш) машғулотларни бошлаш учун энг қулай вақт. Бундай пайтда ота-оналар болага ёрдам кўрсата билиши керак.

Реабилитация (тўғирлаш, ёрдам кўрсатиш) ишларини мактабгача таълим ва тарбия тизимида 3 ёшдан бошлаш керак. Уч ёшгача боланинг ички рухий дунёси охиригача шаклланмаган бўлади. Уч ёшгача унда индивидуал, сенсор, сезгирлик, қўрқкиш кузатилади. Уйқу, иштаҳанинг ҳамда эмоционал бузилишлар каби патологик реакциялар кузатилади.

Боғчада бундай болалар билан эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва оғзаки нутқини ўстириш бўйича махсус коррекцион ишлар олиб борилади. Оғзаки нутқнинг қарлар ҳаётида, атрофдагилар билан мулоқотга киришишида жуда ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини инобатга олган ҳолда, шуни айтиш керакки, эшитишда нуқсон борларни талаффузга ўргатишнинг биринчи ва асосий вазифаси улар оғзаки нутқининг иложли борича тушунарлилигини таъминлаб беришдан иборатдир.

Педагогик жараёнда эшитиш қолдигидан кенг фойдаланиш эшитишда нуқсон бор ўқувчилар томонидан талаффуз малакаларини ўзлаштиришда принципиал ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгаришлар гуруҳда ва гуруҳдан ташқари ишни ўз ичига олади.

Талаффузга ўргатиш дарсларининг мазмуни овоз, нутқий нафас, товушларнинг тўғри талаффузини, орфоэпия, сўз урғуси, талаффузнинг аниқлиги устида иш олиб боришдан иборатдир. Бундай машғулотларнинг асосий мақсади-талаффуз кўникмаларини мукамаллаштириш, мустаҳкамлаш ва автоматизация қилишдан иборат.

Шундай ишлар натижасида қар болалар оғзаки нутқни эгаллайди. Шунда оғзаки нутқнинг ривожланиши эшитишда нуқсон бор ҳамда эшитадиган болалар билан бир хил ўтади.

Эшитмайдиган болада нутқнинг шаклланиши махсус машғулотларда, ҳамда ҳар кунги мулоқотларда шаклланади. Машғулотларни бола учун ҳар доим ўйин сифатида ўтказиш керак. Ўйин болаларнинг таффақури ва нутқи ривожланиши учун чексиз имкониятлар яратади. Шахсиятнинг ривожланиш учун умумий вазифалар ҳамда, эшитишда нуқсон бор боланинг нутқи ривожланиши учун ишларни бирга олиб бориш керак. Хилма-хил фаолиятлар жараёнида атроф муҳит билан танишиш қар боланинг тарбиясида муҳим вазифа бажаради. Ижтимоий тажриба фаолиятда ташкил топади. Болаларнинг сўзлашув нутқи ва умумий ривожланишини таъминлаш мақсадида педагоглар томонидан машғулотлар давомида илғор педагогик технология элементларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Куйида булардан намуналар келтирамыз:

«Венн диаграммаси» методи болаларда мавзуга нисбатан умумий ва хусусий тушунарларни ривожлантиришга ёрдам беради. Масалан, «Мева ва сабзавотлар» мавзуси бўйича куйидагича лойиҳалаш мумкин. Гуруҳ болалари иккига ажратилади. Биринчи гуруҳ мевалар, иккинчи гуруҳ сабзавотларнинг номларини ёздади. Ёки иккита саватчага мева ва сабзавотлар маълум бир вақт ичида солиниши болалардан сўралади. Берилган вақт ичида топшириқни биринчи бўлиб бажарган гуруҳ ғолиб деб топилади.

«Чархпалак» методини қўллашда стол ўстига турли ўйинчоқлар қўйилади, доскада «чархпалак» ва унда ўйинчоқ расмлари кўрсатилган стрелка мавжуд. Болалардан бирининг қўзи юмилган ҳолда столдаги ўйинчоқни қўлига олиб, пайпаслаб кўради, номини айтади (ёки ном ёзма кўрсаткични кўрсатади), «чархпалак»даги ном расмга стрелкани тўғрилайди.

«Рангли карточкалар» методини қўллашда гуруҳ болалари иккига ажратилади. Биринчи гуруҳ сариқ карточкани савол, иккинчи гуруҳга қизил рангли саволни карточка тарқатилади. Топшириқни биринчи булиб бажарган гуруҳ ғолиб бўлади.

Машғулотларни шундай ташкил этиш лозимки, унда болалар асосий иштирокчига айланишлари керак. Ушбу ўйинлар болаларда жамоа бўлиб ўйнаш, ҳамкорликда ишлаш қобилиятларини ривожлантиради. Шунингдек, ўйинлар давомида қар болалар жавоб бериш жараёнида оғзаки ва ёзма нутқ шаклларида фойдаланишлари учун шарт-шароит яратилади.

Мактабгача ёшдаги эшитишда нуқсон бор болаларнинг ахлоқий тарбиясига ҳам катта эътибор бериш керак. Эшитишда нуқсон бор болалар учун дўстона муносабатлар, биргаликда бажарилган ишлар, қувноқ ўйинлар иштимой мослашиш учун негиз бўлади.

Эшитишда нуқсон бор бола ҳар томонлама ривожланиши ва баркамол инсон бўлиш учун илк ёшдаги коррекцион иш тўғри ташкил қилиниши керак.

Билиш жараёнининг ривожланиши, жисмоний ривожланиши ва соғлиқнинг ҳолати, бундай болани оммавий мактабга жойлаштириш учун аҳамиятга эга. Бошқа болалар ва педагоглар билан мулоқотнинг ижобий ривожланишига эшитишда нуқсон бор боланинг шахсий хусусиятлари, аниқса фаоллиги, мустақиллиги, ташаббускорлиги катта аҳамиятга эга. Бундай болада нутқи бор бўлса, бу болалар педагоглар билан мулоқотни таъминлайди, уни оммавий муассасага жойлаштириш мумкин.

Атрофдаги болалар ва катталарга унинг оғзаки нутқи етарли даражада раво ва тушунарли бўлиш керак. Ота-онанинг фаол иштирокисиз эшитишда нуқсон бор болани оммавий мактабга интеграция қилиш мумкин эмас.

Дарҳақиқат, эшитишда нуқсон бор болаларни тарбиялашда, уларга таълим беришда ҳамда унинг сифат ва самарадорлигини оширишда сурдопедагог, тарбиячи билан ота-оналарнинг биргаликдаги фаолияти муҳимдир. Ота-она нормал ва ногирон болалар ривожланиши ҳақидаги физиологик билимларга эга бўлоқлари, МТМнинг таълим-тарбия тизими, унинг вазифаларидан хабардор бўлишлари лозим.

Эшитишда нуқсон бор болалар МТМларида ота-она МТМ ҳамкорлиги вазифасини бажариши - МТМ маъмурияти ва педагогларга юқлатилади. Ота-оналар билан ишлашда куйидаги вазифалар амалга оширилади.

- эшитишда нуқсон бор болаларга таълим-тарбия бериш мазмуни билан ота-оналарни таништириш.
- эшитишда нуқсон бор болаларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича МТМ жамоаси ҳамкорлигидаги ишни амалга оширишда бевосита иштирок этишларини таъминлаш.
- педагогик фаолият жараёни: турли машғулотларни олиб бориш, педагогик - коррекцион вазифалар, уларни амалда қўллаш шакллари билан яқиндан таништириш.
- оилада эшитишда нуқсон бор бола тарбияси соҳасида ўрганилган илғор иш тажрибалари билан таништириб бориш ҳамда ота-оналар орасида тарғибот - ташвиқот ишларини амалга ошириш [1].

Чунки уларни, ҳар хил шароитларда, нутқни ривожланиш, уйдаги ҳар кунги машғулотларни ташкиллаштириш каби катта вазифалар қутмоқда.

Ота - оналар сурдопедагогнинг топшириқлари ва тавсияларга кўра оилада умумий ривожлантириш ва коррекцион ишларни олиб боради. Айнан сурдопедагог бундай болага оммавий муассасага қатнашишни тавсия этади, агар бола эшитадиган болалар жамоасига интеграция қилишга тайёр бўлма-са, аксарият ҳолатларда оғоҳ қилинади.

Бу муаммонинг долзарблиги ва муҳимлигига қарамасдан, интеграция саволларига биз эътибор ва мулоҳаза билан иш юритишимиз керак. Ривожланишда нуқсон бор болаларнинг қандайдур бир қисми учун интеграциялашган таълим самарали бўлиши мумкин [2].

Лекин ақдан заиф болалар учун интеграция мумкин эмас. Бундай болаларга нисбатан иштимой интеграция мумкин (мактабдан ташқари тадбирларда, тўғарақларда) фақат талимий интеграция эмас.

Интеграциянинг ҳар хил шакллари (вақтинча, қисман фрагментар, тўла) эшитишда нуқсон бор болаларни эшитадиганлар орасига қўшишда, ҳар бир боланинг ҳаётини нормага келтириши, иштимой муносабатлар доирасига кириши ва ҳартомонлама ривожлантиради. Интеграцион таълим мақсади

сари йўналиши ва самарали бўлиши учун логопед, психолог дефектолог ўқитувчиларнинг ва оммавий ўқув муассасаларнинг педагогларининг, махсус тайёргарлиги зарур, ҳамда интеграциянинг ҳуқуқий масалаларини ишлаши лозим [3]. Юқорида айтилгандек, эшитишда нуксони бор болаларни бизнинг жамиятимизнинг қабул қилиш тайёрлиги – интеграцион таълим

олишда катта аҳамиятга эга. Ҳамма қийинчиликларга қарамай бундай мактабларнинг очилиши ва ривожланиши нафақат ривожланишида нуксони бор болаларга катта фойда келтиради, балки соғлом болалар ҳам бундай шароитда меҳрибон ва олижаноб бўлиб ўсадилар.

Адабиётлар

1. Образовательная интеграция и социальная адаптация лиц с ограниченными возможностями: пособие для учителей, психологов и родителей детей с ограниченными возможностями / А.Н. Коноплева (и др.); науч. ред. Т.Л. Лещинская. –Мн.: 2005. –С. 25.
2. "Социальная адаптация и интеграция детей с нарушениями слуха". Сост. Астафьева В.М. -М.: АПК и ПРО, 2000. –С. 43.
3. Миронова Э.В., Шматко Н.Д. "Интеграция детей с нарушенным слухом в дошкольные учреждения общего типа". Дефектология. 1995. № 4.- С. 11.

Ушбу мақолада эшитишда нуксони бор болаларнинг ижтимоий муҳитга мослашиши ҳақида фикр юритилади. Мақолада мактабгача ёшдаги эшитишда нуксони бўлган болалар учун муносиб шарт – шароитларни яратиш бўйича сўз юритилади. Боғчада бундай болалар билан эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва оғзаки нутқини ўстириш бўйича махсус коррекцион ишлар олиб борилиши таҳлил этилган. Мақолада мактабгача ёшдаги қар болаларнинг ахлоқий тарбиясига ҳам катта эътибор берилди. Эшитишда нуксони бор болалар учун дўстона муносабатлар, биргаликда бажарилган ишлар, қувнок ўйинлар ижтимоий мослашишнинг хусусиятлари тўғрисида тўхтаб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросам работы с детьми со слуховым дефектом. Подчеркивается, что необходимо создать приемлемые условия для детей. Эффективной является коррекционная работа со способными детьми со слуховым дефектом в садах и обучение устной речи. В развитии умственных способностей большую роль играют создание доброжелательной атмосферы и применение веселых игр.

SUMMARY

The article is devoted to the issues of work with the children with auditory defect. The author emphasizes that it is necessary to create good conditions for the children. In kinder gartens it's effective to conduct the correction work with the children with auditory defect and teaching a spoken language. The comfortable friendly atmosphere and use of merry games play a great role in the development of mental abilities.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Т.Т.Утебаев - катта илмий ходим-изланувчи

Е.К.Алламбергенов – мустақил изланувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ҳуқуқий таълим самарадорлигини ривожлантириш, ўзлуксиз таълим тизими, таълим ислоҳоти, педагогик фикрлар, тарбия назарияси, шахсга йўналтирилган таълим, таълимни модернизациялаш.

Ключевые слова: повышение эффективности обучения учащихся с юридическим образованием, система непрерывного образования, реформа образования педагогики, педагогические мысли, теория воспитания, образование, направленное на личность, модернизация образования.

Key words: improvement of the effectiveness of education system in law continuous education system reforms of education, pedagogics, pedagogical ideas theory of education, education directed to the personality, modernization of education.

Жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимиз юксак ривожланишни бошидан кечирмоқда. Зеро, мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қиладиган демократик, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш, миллий кадриятларни тиклаш, уни умуминсоний кадриятлар билан муштарак равишда ривожлантириб, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлини танлади ҳамда унга изчиллик билан амал қилиб келмоқда.

Мазкур ислохотларнинг самарадорлиги, аввало, халқимиз маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият, санъат, фан ва таълим ривож, замонавий фан-техника билан қуролланган малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди.

1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг ҳаётга татбиқ этилиши таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг стратегик асоси сифатида юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, маънавий бой, эркин, ижодий фикрлайдиган шахсни шакллантиришга қаратилган эди. Ана шу талаб асосида педагогика фани ва амалиёти олдига ҳам қатор муаммолар қўйилди. Мазкур муаммоларга кадрлар тайёрлаш мазмуни ва тузилмасини янгилаш, маориф, фан, техника, технология, иқтисод, маданият соҳаларида республикамиз ва хорижда эришилган ютуқлар асосида уни қайта кўриб чиқиш; таълим тизимини ислох қилиш, унинг муттасил, изчил ривожланиб боришига эришиш, давлат таълим стандартларини яратиш, таълим тизими, илм-фан, ишлаб чиқаришга турли соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш механизминини ишлаб чиқиш, ўқувчи-ёшларни миллий истиқлол ғояси ва мафқураси асосида тарбиялашни амалга ошириш, ўзлуксиз таълим тизимининг ўқув-услубий жиҳатдан методик таъминотини яратиш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш ва ахборот технологиялари билан таъминлаш, янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, баркамол шахс

тарбиясига доир психологик-педагогик тадқиқотлар олиб бориш, таълим сифатини баҳолаш тизимини яратиш “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да алоҳида кўрсатиб ўтилган эди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мазкур муаммоларни ҳал этишда муҳим ишлар амалга оширилди, янги интилишлар, педагогик қарашлар юзага келди.

Чунки тараккиёт тақдирини маънавий етук, замонавий билимлар ва мураккаб технологияни эгаллаган, иродаси бақувват, иймони бутун, теран фикрлайдиган, юксак салоҳиятли инсонлар ҳал этади. Бунинг учун асосий омил-фан, техника, маданият, маърифат, таълим-тарбия, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар борасидаги янгилик ва ютуқлар, жаҳон мамлакатлари тажрибаларини кенг қўламда ўрганиш, ривожлантириш ва ҳаётга жорий этишдир.

Маълумки, демократик ҳуқуқий давлат куриш йўлидаги энг дастлабки ва энг муҳим қадам Конституцияни ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишдан бошланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши ҳам демократия йўлида улкан бир қадам қўйиш учун катта туртки бўлди [2]. Дарҳақиқат, кўп нарса мамлакатда Конституцияни оммавий равишда ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга боғлиқ. Мана шу мақсадда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясини болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда дарслик тарикасида ўқитиш ҳамда олий ўқув юртларида эса махсус дарс сифатида ўрганишни вазифа қилиб қўйди [1].

Мустақиллик туфайли таълим тизимида қатор ютуқлар қўлга киритилганлиги маълум бўлди. Бу ютуқлар Қорақалпоғистонда таълим ислохотлари қай даражада амалга оширилаётганлигидан далолат беради:

Шунингдек, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишнинг илмий-педагогик жиҳатларига доир педагогик фикрлар ҳам шаклланмоқдаки, Т.Қудайбергенова томонидан олиб борилган «Ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқий таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари» мавзусидаги илмий тадқиқот иши шуларнинг бири саналади. Амалга оширилган тадқиқот натижаларига мувофиқ ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқий таълимнинг самарадорлигини ошириш изчил ва мақсадга мувофиқ ташкил этилсагина, кўзда

тутилган natijalarga erishiш mumkinligiga ishonch hosil kilingan. Urtа maxsus uquv yurtlari faoliyatini yaxlit holda uрганиш, mavjud шарт-шароитлар билан танишиш ушбу таълим муассасалари талабаларга uртасида хукукий билимларни тарғиб этиш, уларда хукукий фаолият, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш имкониятларидан фойдаланиш кўйидаги ҳолатларни инobatта олиш асосида таъминланиши мумкин.

Uртa maxsus uquv yurtlarida хукукий таълимни ташкил этишга нисбатан тегишли муассасалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва uртa maxsus таълим Вазирлиги, Республика uquv-услуги Маркази, янги турдаги uquv муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаб берадиган ҳамда uquv манбалари билан таъминлашга масъул бўлган етакчи педагогика олий uquv yurtlari, uртa maxsus uquv yurtlari faoliyatini мувофиқлаштирувчи Марказ ва бошқа ташкилотлар томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлигига қарамай, бу соҳада uз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам mavjud эканлигини кўрсатади. Шунинг билан uртa maxsus uquv yurtlarini малакали хукуқшунос-педагоглар билан таъминлаш, uquv-методик адабиётлар-uquv дастури, дарслик, қўлланма, рисола ҳамда методик тавсияномаларни яратиш, янги педагогик техногияларни татбиқ этиш ва шарт-шароитларни яратиш борасида муайян муаммолар mavjud ва уларни

бартараф этиш зарур эканлигини кўрсатади. Uртa maxsus uquv yurtlarida хукукий таълим самарадорлигини таъминлашга йuналтирилган тадқиқот ишини амалга ошириш, шунингдек, ушбу uquv муассасаларида амалга оширилаётган хукукий таълим-тарбия жараёнини кузатиш, тадқиқот иши учун респондент сифатида белгиланган uқитувчи ва uқувчилар орасида ижтимоий ҳамда анкета сўровларини uтказиш, суҳбатлар ташкил этиш, педагогик кузатувни олиб бориш натижасида янги турдаги uқув муассасаларида амалга оширилаётган хукукий таълимнинг mavjud ҳолати, самарадорлик даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги таҳлил қилинган [3].

Ҳозирги даврда uлкада узлуксиз таълим тизими давом этмоқда. Бу илмий-техника таракқиети талаблари даражасига мос таълим самарадорлигини ошириш, шунингдек, шахсга йuналтирилган таълим асосида ақлий ва ахлоқий сифатларни шакллантириш билан боғлиқ.

Доимо таракқиёт сари илгарилаб бораётган бугунги шароитда хар қандай хусусий билимлар тезда эскириб қолмоқда. Шунинг учун uқитиш жараёнидаги стратегик аҳамиятга эга энг муҳим вазифа uқувчи-талабаларда янги билимларни қабул қилиш ва уни фаол ишлата олиш кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади. Узлуксиз таълимнинг яна бир хусусияти унинг интегратив сифатларга эгаллиги.

Адабиётлар

1. Қаримов И.А.. Конституция тўғрисида. –Тошкент: 2001, 153 – 6.
2. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳукуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005.
3. Кудайбергенова Т. Uртa maxsus uquv yurtlarida хукукий таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари: Пед.фан.ном. дис.... Автореф. – Т.: ТДПУ, 2005. 21- б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида педагогик фикрларнинг хукукий таълим самарадорлигини ривожлантиришга таъбири кўрсатилади. Шунингдек, таълим ва фан соҳасидаги асосий муаммолар хусусида сўз юритилади. Олимларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари, баъзи муаммолар, шунингдек, ундан мазкур фаннинг келажаги тўғрисида қимматли маълумотлар uрин олган. Ундан педагогика фани билан қизиққан соҳа мутахассислари қимматли материаллар олишлари мумкин.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы, связанные с изучением влияния педагогической мысли на повышение эффективности обучения юридическому образованию. Также рассматриваются основные проблемы в сфере образования и науки. В статье представлены ценные мнения и взгляды учёных о будущем педагогической мысли. Статья может быть использована специалистами в сфере педагогической науки.

SUMMARY

The article deals with the problems, connected with the study of influence of pedagogical ideas on increasing the effectiveness of teaching juridical sciences. The main issues in the spheres of education and science have also been investigated. The author presents valuable points of view and opinions of the prominent scientists about the future of Pedagogics. The materials of the article can be used by the specialists in Pedagogics.

AKSONOMETRIK PROYEKSIYALARNI O'QITISHDA SIFAT VA SAMARADORLIKKA ERISHISH OMILLARI

A.N.Valiyev - dotsent

S.Mardov - magistrant

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogica unstitutu

B.D. Esboganova – kata o'qituvchi

Ajiniyaz nomidagi Nukus davlat pedagogica unstitutu

Tayanch so'zlar: ortogonal proektsiya, grafik tasvir, texnik rasm, fazoviy tasavvur.

Ключевые слова: ортогональная проекция, графическое описание, технический рисунок, пространственное описание.

Key words: orthogonal projecting, graphic depicting, technical picture, space view.

Mustaqilligimiz tufayli respublikamizning turli hududlarida zavod va fabrikalar, sanoat turidagi korxonalar, ta'mirlash ustaxonalari qurilmoqda. Ularda xizmat qiladigan ishchi, texnik xodimlar va mutaxassislarining asosiy qismi ishlarni chizmalar bo'yicha bajarishadi.

Ma'lumki, har qanday ixtiro qilinayotgan buyumning turli grafik tasvirlari chiziladi, mustahkamligi va chidamliligi faqat uning geometriyasi orqali matematik modellash yo'li bilan aniqlanib, sinovdan o'tkaziladi.

Shuning uchun ham prezidentimiz Islom Karimov taraqqiyot taqdirini ma'naviy jihatdan yetuk odamlar hal qilishini ta'kidlab: *"Texnikaviy bilim, murakkab texnologiyalarni egallash qobiliyati ma'naviy barkamollik bilan, mustaqil tafakkur bilan birga borishi kerak"*[1], deb hisoblaydi.

Chizmachilikka oid bilimlarni muvaffaqiyat bilan egallashning asosiy shartlaridan biri grafik savodxonlik (chizmalar chizish va o'qishni bilish)dir. Chizmalarni o'qish va chizmani chizishni bilishning asosi chizmachilikda har bir narsaning shartli ravishda soddalashtirib tasvirlanishini mukammal egallashdan iborat.

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgach iqtisodiy, siyosiy sohalarda tub o'zgarishlar amalga oshirilgani kabi ta'lim va tarbiyada islohotlar "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" asosida amalga oshirildi. *"...Bunda asosiy e'tibor didaktik ta'limga, ya'ni ta'lim maqsadi, mazmuni,*

vazifalari, nazariyasi, metodlari, prinsiplari, vositalari, shakllari, dars turlari masalalariga qaratiladi"[2].

Yuqorida keltirilgan qonuniy asoslarga tayangan holda chizmachilik fanini ta'limning barcha bosqichlarida sifatli o'qitishga qaratilgan me'yoriy hujjatlar ishlab chiqildi va u hayotga tatbiq qilinmoqda.

Matematika aql gimnastikasi bo'lsa, chizmachilik fani o'quvchi va talabalarining fazoviy tasavvuri va tafakkurini rivojlantirishda boshqa fanlarga nisbatan salmoqli o'ringa ega.

O'quvchilarning fazoviy tasavvurini shakllantirish va rivojlantirish chizmachilik fanining eng asosiy vazifalaridan biridir. Chunki uch o'lchamli fazodagi buyumlarni ikki o'lchamli tekislikda tasvirlash yoki berilgan tasvir orqali buyumning shakli-shamoyilini ko'z oldiga keltirish kishidan kuchli fazoviy tasavvurni talab qiladi.

Idrok qilingan narsalarni ko'z oldiga keltirish tasavvur bo'lib, bu narsalarni tuzilishi, tarkibiy qismlarini hayolan tahlil qilish, u bilan "muloqot"dab o'lish tafakkur bo'ladi.

Nomzodlik dissertatsiyalari, ilmiy nazariy, ilmiy metodik maqolalar, konferensiya materiallarida o'quvchi va talabalarining fazoviy tasavvurini shakllantirish va rivojlantirishga qaratilgan bir qancha ilmiy tadqiqot ishlari qilingan. Masalan, S.Sayidalievning tadqiqotida fazoviy tasavvurning psixologik jihatdan 24ta turi ko'rsatib o'tilgan [3]. Ammo unda proyeksion chizmachilikka oid material berilmagan.

N.Yodgorovning ilmiy ishlarida ham o'quvchilarning fazoviy tasavvurini rivojlantirishga qaratilgan fikr va tavsiyalar

ishlab chiqilgan [4]. Ushbu ishda "Aksonometrik proyeksiyalar" mavzusi to'g'risida tavsiyalar ma'lum miqdorda mavjud bo'lib, unda faqat mavzu mazmuni qisman yoritib berilgan.

Demak, "Aksonometrik proyeksiyalar" mavzusini o'qitish jarayonida o'quvchilarning fazoviy tasavvuri va tafakkurini rivojlantirish omillarini tadqiq qilishga zaruriyat mavjud. Bu ushbu metodik maqolaning dolzarbligini ko'rsatadi.

O'quvchidan buyum tekis chizmasida amalga oshiriladigan turli yasashlarning aslida fazoviy yechimi qanday amalga oshirilayotganligini bilish, tushunish, anglash, tasavvur qilish va o'z tafakkurida tiklay olishi ham talab etiladi. Endi tasavvur va tafakkurning lug'aviy ma'nosi va mazmunini tahlil qilaylik.


"Tasavvur – arabcha so'zdan olingan bo'lib, o'ylash, xayol qilish, ko'z oldiga keltirish, o'ylab zehnda gavdalantirish degan ma'nolarni beradi ya'ni, birinchidan narsa, hodisa va shu kabilar haqida kishi ongi-xayolidagi ma'lumot, bilim, tushuncha"[5]. Tafakkur – arabcha so'zdan olingan bo'lib, fikr yuritish, o'ylash, fikrlash degan ma'nolarni beradi.

Yuqoridagi manbalarga tayanib yaqqol tasvir yasash usullaridan perspektiv tasvir yasash, texnik rasm bajarish, aksonometrik proyeksiya qurishni o'zaro o'xshash va farqli jihatli tahlilni o'tkazishni ko'rib chiqamiz. Perspektiva tasviriy san'at asarlarini to'g'ri chizishga yordam beradi, ammo buyumning o'lchamlarini aniq ko'rsatib bermaydi. Texnik rasm qo'lda chizma asboblarsiz bajariladi va buyumni tezda ko'z oldiga keltirishni ta'minlaydi, ammo u bevosita buyumni ishlab chiqarishda asosiy hujjat bo'la olmaydi. Shuningdek texnik rasm aksonometriya qoidalariga bo'ysunadi. Aksonometrik proyeksiya qoidalariga orqali murakkab detallarning chizmalarini qunt bilan bajarish mumkin, ammo u ham ishlab chiqarish uchun yordamchi material bo'la oladi xolos.

Buyumni ishlab chiqarishda bevosita uning ortogonal proyeksiyasi - ishchi chizmasi asosiy hujjat hisoblanadi. Biroq o'quv chizmalarida o'quvchilarning buyum chizmasini tuzish va uni o'qishga oid bilim hamda amaliy ko'nikmasini shakllantirish uchun aksonometrik proyeksiyaga murojaat qilinadi. Umumta'lim maktablari chizmachilik fanida aksonometrik proyeksiyalar mavzusiga 7 soat dars ajratilganligi ham bejizga emas.

Quyida "Aksonometrik proyeksiyalar" mavzusini qanday tarzda o'qitish eng maqbul ekanligi va buning natijasida o'quvchilarning fazoviy tasavvuri hamda tafakkurini o'stirishga erishish mumkinligiga oid metodik tavsiyalarimizni berib o'tamiz.

1. Dastlab yaqqol tasvirlarning mazmun-mohiyati, uning tasviriy san'at va chizmachilikdagi o'rnini, detal chizmasini tuzish va o'qishda yaqqol tasvirlarning amaliy ahamiyati va maqsad-vazifalarini, ularning o'zaro o'xshash va tafovutlarini tahlil qilinish lozim (1-rasm). Buning natijasida o'quvchining nazariya bilan amaliyotning uyg'unligini tushunishi, bilish jarayonidagi idrok, tasavvur, xotira kabi psixologik jihatlarini, mantiqiy fikrlashi rivojlanadi. Geometrik terminlarni o'zlashtiradi.




1-rasm

2. Aksonometrik proyeksiyalar va uning turlarini dinamik modellar, ko'rgazmali plakatlar, hayotiy misollar orqali o'qitish tavsiya qilinadi[6]. Bunda o'quvchi aksonometriyaning shartli tasvir ekanligini, undagi ayrim cheklanishlar va uning sabablari ilmiy asoslarini, aksonometriya turlarining o'zaro farqi va umumiy jihatlarini anglaydi.

3. Ortogonal va aksonometrik proyeksiyalar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik orqali (2-rasm) hamda loyihalash masalalaridan foydalanib o'quvchilarning fazoviy tasavvurni rivojlantirishga e'tibor qaratiladi. Bunda o'quvchi chizmani o'qish va tuzish ko'nikmasiga ega bo'ladi. Suningdek, o'quvchida detalning ortogonal proyeksiyasi asosida uning


fazoviy tuzilishini tasavvur qilish, geometrik jihatdan tahlil qilish, ortogonal va aksonometriyaning bog'liqligini anglash, loyihalash asoslari orqali konstruktorlik qobiliyatini shakllanishi amalga oshadi, ya'ni idrok, xotira, tasavvur, hayol va tafakkur kabi psixologik operatsiyalarni o'zidan o'tkazishi ta'minlanadi.

Masalan, detalning ortogonal proyeksiyasida unga tegishli nuqtalarning yetishmovchi proyeksiyalarini aniqlashga oid masalalarda ham detalning aksonometrik proyeksiyasi yoki texnik rasmidan foydalaniladi (2-rasm).



2-rasm

Yoki berilgan ikki proyeksiyasi orqali detalning bo'lishi mumkin bo'lgan yaqqol tasvirlarini loyihalashga oid grafik vazifalar orqali o'quvchilarning fazoviy tasavvuri va tafakkuri rivojlantiriladi (3-rasm, bizning misolda 6ta yechim ko'rsatilgan).



3-rasm

4. Mavzuni o'qitish va uni mustahkamlash jarayonida turli innovatsion texnologiyalar va test savollari ustida ishlashni joriy etish o'quvchilarning fazoviy tasavvurini rivojlantirishda eng samarali vosita hisoblanadi. Didaktik o'yinlarda guruhchalar tashkil qilinadi va komandada ishlash ko'nikmasi shakllantiriladi. Har bir o'quvchining faol qatnashishi ta'minlanadi. Bunda o'quvchilarning mustaqil fikrlashi, fikrini himoya qilishi, muomula va o'zaro suhbat o'tkazish madaniyati shakllanishi amalga oshadi.

Masalan, "Domino" o'yin texnologiyasini misol qilib keltirish mumkin.

O'yinning sharti. Detalning ko'rinishlarini ularning yaqqol tasvirlari bilan solishtirib o'qish [7].

Maqsad. O'quvchilarning chizmalarini o'qish bo'yicha olgan malakalarini, idrokini takomillashtirish.

Jihozlar. Domino toshlari o'rniga eni 60 mm, uzunligi eniga nisbatan ikki marta katta, ya'ni 120 mm li karton qog'ozlarda detallarning yaqqol tasvirlari va ko'rinishlari.


Ana shu karton qog'ozlarni teng ikkiga chiziq bilan bo'lib, ularning bir tomoniga detallarning yaqqol tasvirlari ikkinchi tomoniga o'sha detallarning ko'rinishlari chiziladi. Natijada domino "toshlari" hosil bo'ladi. Buning uchun oldin quyidagi jadval tuziladi:

0:0	1:0	2:0	3:0	4:0	5:0	6:0
0:1	1:1	2:1	3:1	4:1	5:1	6:1
0:2	1:2	2:2	3:2	4:2	5:2	6:2
0:3	1:3	2:3	3:3	4:3	5:3	6:3
0:4	1:4	2:4	3:4	4:4	5:4	6:4
0:5	1:5	2:5	3:5	4:5	5:5	6:5
0:6	1:6	2:6	3:6	4:6	5:6	6:6


Yetti detal tanlab, ularning birinchisini 0, ikkinchisini 1, uchinchisini 2, to'rtinchisini 3, beshinchisini 4, oltinchisini 5 va yettinchisini 6 raqamlar bilan belgilab, jadvaldagi ko'rsatib domino "toshlari" tuziladi. Shunda har bir detalning yaqqol tasviri va ko'rinishlari yetti martadan takrorlanadi. 0:0, 1:1, 2:2, 3:3, 4:4, 5:5 va 6:6 lar dominodagidek dupl toshlar hisoblanadi (4-rasm). Qolgan kartochkalarda, masalan 1:5 da 1 detalning yaqqol tasviri, uning yonidagi joyga ko'rsatilgan 5 raqamidagi

detalning ko'rinishlari chiziladi (5-rasm). Hammasi bo'lib, kserokopiya yordamida, 49 ta "tosh" tayyorlanadi.

O'yinning tafsiloti. O'yinni eng kam ikki o'quvchi ishtirokida boshlash mumkin.




4-rasm



1:5

Chizmalar ham domino toshlari kabi aralashtirib teskarisi bilan qo'yiladi. O'quvchilar ularni bittalab yettitagacha oladilar. O'yin qur'aga binoan o'qituvchi rahbarligida boshlanadi. O'yinchi o'zi hohlagan "tosh"ni o'rtaga tashlaydi. Ikkinchi o'yinchi o'rtaga tashlangan detalning ko'rinishlariga mos yaqqol tasvirini yoki detalning yaqqol tasviriga mos ko'rinishlarini "tosh"ga ulab qo'yadi.



5-rasm

O'yin shu tartibda davom etadi. Bunda detalning yaqqol tasviriga yoki ko'rinishlariga mos kelmaydigan chizma qo'yilsa, noto'g'ri yurilgan hisoblanadi. O'yinchining qo'lida mos keladigan chizma bo'lmasa, o'rtadagi chizmalar to'ldasidan toki mos kelguncha olaveradi. Agar o'rtadagi chizmalardan mosi topilmasa, u holda yurish navbatini o'tkazib yuboradi, ya'ni domino o'yinining qoidasiga rioya qilinadi. Bu yerda yaqqol tasvirga yaqqol tasvir, ko'rinishlarga ko'rinishlar qo'yilmaydi. Faqat yaqqol tasvirga unga mos ko'rinishlari qo'yiladi. Ko'rinishlariga esa mos yaqqol tasviri qo'yiladi. O'yinchilar ushbu qoidani eslab qolishlari shart bo'ladi.

Kim birinchi bo'lib qo'lidagi chizmalarni to'g'ri qo'yib tugatsa, o'yinning g'olibi hisoblanadi. Agar o'yin "riba" ("baliq") bilan tugasa, ya'ni o'yinchilarning qo'llarida "toshlar" bo'lsa-yu, yurish imkoniyati bo'lmasa, qo'lida eng kam "toshlar" qolgan o'yinchi g'olib hisoblanadi. Agar hammada barobar "toshlar" qolsa o'yin durang bilan yakunlanadi.

Eslatma. O'yinda to'rt nafargacha o'yinchi o'ynashi mumkin. Unda bir nechta komanda tuzilib, har bir komandadan ikki nafardan g'oliblar aniqlanadi, ulardan yana komandalar tuzib, eng oxirida ikkita o'yinchidan bittasi chempion bo'lishi mumkin.

Birinchi turda g'olib chiqqanlardan tuzilgan komandalarga o'rtacha murakkablikdagi, ikkinchi tur qatnashchilarga murakkabroq va final qatnashchilariga yanada murakkabroq detallarni tanlash tavsiya etiladi.

Yuqorida keltirilgan domino o'yini jadvaliga asosan tayyorlanadigan 49 ta "tosh" quyida berilgan. Bu yerdagi raqamlar o'yindan oldin olib tashlanadi.

Aksonometrik proyeksiyalar mavzusi biz bayon etgan metodik tavsiyalar asosida o'qitilsa DTSda belgilangan talabga ijobiy javob bera olishga muvaffaq bo'lish mumkin. Shuningdek, o'quvchilarning fazoviy tasavvuri va tafakkurini rivojlantirishga to'laqonli darajada erishish mumkin.

Adabiyotlar

1. Karimov U. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. Asarlar, 3-jild, -T.: "Ozbekiston", 1996, 34-b.
2. Zunnunov A., Mahkamov U. Didaktika. -T.: "Sharq", 2006, 125- b.
3. Saydaliev S.S. Sharq me'morchiligi an'analari vositasida o'quvchilarning fazoviy tasavvurini rivojlantirish. Nomzodlik dissertatsiyasi. -T.: 2010, 130-b.
4. Yodgorov N. Fazoviy almashtirishlar jarayonida o'quvchilarning bilish faoliyatini rivojlantirish omillari. Nomzodlik dissertatsiyasi. -T.: 2009, 142-b.
5. Rahmonov I., Valiyev A., Valiyeva B. Muhandislik grafikasi fanini o'qitishning zamonaviy texnologiyalari. -T.: "TDPU rizografi", 2013.
6. Rahmonov I. va Valiyev A. Chizmachilik (chizmachilik fanida konstruksiyalash asoslari). -T.: "Voriz-nashriyot", 2011.

REZYUME

Mazkur maqolada o'quvchilarning fazoviy tasavvuri va tafakkurini rivojlantirishda aksionometrik proyeksiyalar mavzusining o'rni va uni o'qitish metodikasi yoritib berilgan.

РЕЗИОМЕ

В статье на примере темы аксиометрической проекции рассматриваются средства развития пространственных воображений студентов.

SUMMARY

The article deals with the study of means of developing students' space imagination on the example of the theme of axonometric projection.

ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИНИНГ ТАШКИ ВА ИЧКИ НАЗОРТ МЕХАНИЗМЛАРИ

М.Юлдашев – мустақил тадқиқотчи
ЎзПФТИИ

Таянч сўзлар: таълим сифати, сифат менежменти, назорат, баҳолаш, ташки, ички, сифат мониторинги, сифат кафолати, таълим дастури, ўқитиш методи, ўқитиш шакллари, ўқув-услубий таъминот.

Ключевые слова: качество образования, менеджмент качества, контроль, внешний, внутренний, мониторинг качества, образовательная программа, метод обучения, этапы обучения, учебно-методическое обеспечение.

Key words: quality of education, quality management, control, external, internal, monitoring of quality, education, programme, methods of teaching, stages of teaching, educational-methodical supply.

Таълим сифати муаммоларини муҳокама қилинганда сифатни баҳолаш, назорат қилиш, таъминлаш ва бошқа шу қабили тарғиблари мулоҳаза юритилади. Илмий адабиётларда таълим сифати муаммоларини тавсифлаш учун инглиз тилидаги *quality control* ва *quality monitoring* атамаларидан кўп фойдаланилади [1], [2].

Агар инглиз тилидаги атамаларни уларнинг ўзбек тилидагиси билан таққосланса, қуйидагилар аниқланади:

– *quality control (сифат назорати)* – одатда, сифатнинг муайян даражасига эришишга йўналтирилган баҳолашнинг ташқи муолажаларини белгилаш учун ишлатилади;

– *quality monitoring (сифат мониторинги)* – моддий сарф-ҳаражатлар самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ бевосита баҳолаш ёки сифатнинг у ёки бу мезонлари ва индикаторларини кузатиш жараёнларини назарда тутати, сифат “даражаси”ни белгилайди.

Олий таълим сифати муаммоларига бағишланган хорижий нашрларда қатор (режалаштириш, баҳолаш ёки мониторинг, таҳлил ва ҳоказо) босқичларини ўз ичига олувчи кенг маънодаги (ҳам ташқи, ҳам ички) сифатни баҳолаш тизимини англатувчи *“quality assessment”* атамаси нисбатан кенг қўлланилади [1], [2], [3].

Европа иттифоқида сифатни таъминлаш ёки сифат кафолати тарзида таржима қилиш мумкин бўлган *“quality assurance”* атамаси кўпроқ учрайди [3], [4], [5].

Сифатни таъминлаш тизими, баҳолаш билан боғлиқ босқичлардан ташқари, сифатни такомиллаштириш бўйича ечимларни ахтариш ва қарорлар қабул қилиш, шунингдек уларни жорий этиш босқичларини ҳам қамраб олади. Сифатни таъминлаш тизимининг энг муҳим жиҳатлари – унинг даврийлиги ва такомиллаштиришга йўналтирилганлигидир.

Мазкур такомиллаштириш, энг аввало, қуйидагиларга таъсир кўрсатади:

– ғарбий европа таълим тизимининг кенгайтиши билан изоҳланувчи таълим жараёни сифатига эътиборнинг ортиши;

– таълим муассасаси, унинг ишлаш тизими, дастурлари, битирувчилар оладиган билим ва малака савияси ҳақидаги маълумотларнинг очиқлиги;

– талабалар, ўқитувчилар ва изланувчиларнинг халқаро масштабдаги кўчиб юриши, шунингдек европа меҳнат бозорининг байналминлашуви.

Шундай қилиб, кенг маънода, олий таълим тизимининг кенгайтиши, ундаги рақобат шунга олиб келмоқдики, таълим муассасалари, ҳақиқатдан ҳам, мутахассислар тайёрлашнинг сифат даражасини намоён этиш заруриятига дуч келмоқдалар.

Хорижий мамлакатларда олий таълим сифатини баҳолашда қўлланилаётган механизмларни мамлакатимиз халқ таълими ходимлари малакасини ошириш таълими сифатини баҳолашга татбиқ этилиши мумкинлиги нуқтаи-назаридан қуйидаги мулоҳазаларни баён этиш мумкин.

Сифатни нафақат ташқи, балки ички баҳолаш тизимларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда таълим муассасаларига тобора кўпроқ мустақилликни бериш аънамага айланиб бормоқда. Ўз-ўзини баҳолаш алоҳида жараён ёки сифатни баҳолаш умумий циклининг таркибий қисми сифатида қаралиши мумкин. Сифатни баҳолаш ички механизмларининг ривожланиши давлат бошқаруvidан бозорнинг тартибга солишига ўтиш, таълим дастурлари ва муассасалари сифатини такомиллаштириш ва ривожлантиришга эътиборнинг кучайиши каби жараёнлар билан боғлиқ.

Мазкур вазиятда қуйидаги мақсадларга қаратилган *таълим сифатининг ташқи назорати* алоҳида эътиборга сазовор:

– таълим сифатини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

– таълим сифати ҳақида жамоатчиликка ҳисобот бериш;

– таълим муассасасида ва, кенг маънода, бутун мамлакат таълим тизимида сифатга йўналтирилган ўз-ўзини бошқариш жараёнларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;

– режалаштириш жараёнларига кўмаклашиш.

Сифатни баҳолашнинг ташқи тизими сифатни кўпроқ стандартлар, иқтисодий самарадорлик ва шу қабили боғлиқ тарзда тушунишга мойил бўлса, ичкиси – рақобатбардошлик, ривожланишга йўналган такомиллаштиришлар билан боғлиқ тарзда талқин қилади. Одатда, ташқи баҳолаш жараёни ўзини-ўзи баҳолашнинг (мақсадларни қўйиш, умумий тайёргарлик, текшириш жараёни, ҳисобот ва кейинроқ амалда қўллаш) элементларини ўз таркибига олади.

Сўнги даврларда сифатни баҳолашнинг хорижий тизимларида асосий эътиборнинг назорат ва мониторингдан ривожланиши, такомиллаштириш ва ўзини-ўзи тартибга солишга кўчиши кузатилаётган. Самарадорлик кўрсаткичлари ва эксперт текширувлари ҳам ташқи ва ҳам ички сифат тизимларида баҳолаш жараёнларида қўлланилаётган асосий ёндашувлардир. Самарадорлик кўрсаткичлари мақсадга эришилганликни баҳолаш имониятини берувчи тажрибада аниқланган миқдор ва сифат ҳақидаги маълумотларни миқдорий баҳолашга кўпроқ таянади. Мутахассислар томонидан амалга оширилаётган баҳолаш методларининг аксарияти эксперт текширувлари (ёки таҳлилари) деб аталади.

Самарадорлик кўрсаткичлари, шунингдек, эксперт текширувларини қўллаш узил-кесил жавоб берилиши мураккаб бўлган бир қатор муаммо ва саволларни туғдиради. Масалан, айнан қайси самарадорлик кўрсаткичлари таълим сифатини баҳолаш мезонлари сифатида қўлланилиши мумкин, ким эксперт бўла олади, у ёки бу баҳолашлар қанчалик ишончли?

Шунингдек, сифатни таъминлаш тизимларида ички ва ташқи баҳолаш жараёнлари ўртасидаги мувозанат, баҳолашнинг мақбул методларини ахтариш ва бошқа шу каби ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжуд.

Мамлакатимиз таълим тизимида сифатни ташқи баҳолашнинг стандартлар ва самарадорлик кўрсаткичларига қаратилган лицензиялаш, аттестация ва аккредитация, шунингдек таълим муассасасини ва унинг алоҳида мутахассисликларини рейтинг тизими асосида комплекс баҳолаш кўпроқ ривожланган. Мазкур баҳолаш тадбирларининг барчаси ички текширишларни ўтказишни ҳам ўз ичига олади.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш мақсадлари ва улар компетенцияси моделларининг ўзаро мослиги кўрсаткичларидан бири бўлган таълим дастурлари сифатини, шунингдек профессор-ўқитувчилар таркибининг сифатини баҳолаш ўта долзарб масалага айланган. Таълим дастурининг сифати уни амалга оширишда иштирок этаётган профессор-ўқитувчиларнинг малака савиялари, компетентлиги, малака оширишдан ўтганлиги, профессор-ўқитувчилар таркибининг барқарорлиги ва мослашувчанлиги даражасига боғлиқ.

Бироқ мазкур кўрсаткичлар баҳолаш учун етарли ҳисобланмайди. Баҳолаш ўқув жараённинг ахборот ва моддий-техника таъминотини ҳам қамраб олади. Бунда таълим дастурлари доирасида таҳсил олаётганларга кутубхона хизматини кўрсатишнинг умумий ҳолати, улар учун таълим муассасаси томонидан тайёрланган ўқув адабиёти ва тарқатма материалларнинг мавжудлиги ва сифати, Internet тармоғидаги ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, ўқув жараённинг моддий-техника таъминоти даражаси алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим дастурининг тугаллиги, ўқув жараённинг фанлараро, компетенциявий ва лойихага йўналтирилган ёндашишлар акс этадиган ўқув-услубий таъминоти сифати, ишчи ўқув режаларнинг намунавий режаларга мослиги ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Таълим дастурини амалга ошириш самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар таълим дастурини бошқаришни, таълим дастури бошқарувининг ташкил этилишини, ўқув гуруҳларининг шакллантирилишини, ташкилотлараро алоқаларни очиб беради.

Ўқитиш/таълим бериш методи – жуда муҳим кўрсаткич. Бунда ўқитишнинг фаол методлари мавжуд бўлган ўқитиш жараёнларнинг компетенцияларни ривожлантириш методлари билан мутаносиблиги, ўқитиш жараёнида таълим амалиётидаги реал вазиятларни қўллаш, малака ишларини тайёрлашда фанлараро ёндашишни қўллаш масалалари назарда тутилади.

Яна бир муҳим кўрсаткич – таълим муассасасида фаол қўлланилаётган *ўқитиш сифатини баҳолаш механизмининг мавжудлиги ва самарадорлиги*. Бунда жорий назорат, оралик назорат, якуний малака ишлари ва уларнинг таълим муассасаларидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратилганлиги назарда тутилади. Кўпгина таълим муассасалари таълим жараёнида ва унинг сўнгида таълим оловчилар билан анкета-сўровларини ўтказиш ва тингловчиларда компетенциялар ривожланишини назорат қилиш методларидан фойдаланадилар.

Таълим дастурининг натижавийлигини акс эттирувчи алоҳида кўрсаткич – *мутахассисларни тайёрлаш сифати*. У ўз таркибига оралик назоратлар натижаларини, таълим дастурининг ўқувчилар томонидан баҳоланишини, таълим дастурини буюртмачи ташкилотлар раҳбарлари томонидан баҳоланишини олади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим дастурлари бўйича ўқитишнинг шакл ва методларини баҳолаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим дастурлари бўйича ўзини-ўзи баҳолаш натижасида таълим муассасаси куйидаги маълумотларни (тегишли жадваллар шаклида) тақдим этади.

1) Ўқитиш шакллари бўйича:

- турли ўқитиш шакллари таълим дастурида биргалликда қўлланилиши;
- таълим дастурида ўз аксини топган анъанавий ва фаол ўқитиш шакллари таълим нисбати;
- ўқитиш методлари ва уларнинг таълим оловчилар томонидан қабул қилиниши (ижобий, танқидий);
- келгусида анъанавий ва фаол методлар нисбатини ўзгартиришга бўлган эҳтиёж;
- таълим дастурида фойдаланилаётган вазиятлар, ишчанлик ва ролли ўйинлар, уларнинг тавсифлари.

2) Оралик аттестациялар бўйича:

- оралик назоратлар ва уларда амалий кўникмаларнинг баҳоланиши натижалари;
- таълим оловчиларнинг оралик назорати натижалари.

3) Битирувчиларнинг якуний аттестацияси бўйича:

- битирувчиларнинг якуний тест назорати бўйича ўртача бали;
- якуний аттестация ишининг ҳимояси бўйича ўртача бали;
- якуний аттестациядан ўтаолмаган битирувчилар сони.

Таълим дастурини ташқи баҳолаш жараёнида экспертлар баҳолаш мезонларига (юқори даражада, ўртача, паст, йўқ) мослик даражасини аниқлайдилар ва куйидаги асосий кўрсаткичлар бўйича баҳолашни амалга оширадилар:

1) Ўқитиш методлари.

Мазкур кўрсаткични баҳолашда куйидаги омилларни эътиборга олиш лозим:

- маърузалар, семинарлар, ишчанлик ўйинлари ва ҳоказоларнинг, аудитория ва мустақил машғулотларнинг нисбати;
- ўқитишнинг анъанавий (маъруза, семинар) ва интерфаол (ишчанлик ўйинлари, тренинглар, алоҳида вазиятлар таҳлили ва ҳоказо) шакллари таълим нисбати;
- ўқитишнинг фойдаланилаётган методлари тасдиқланган методик тавсияларнинг ривожлантириш талабларига қай даражада мос келади: жамоа бўлиб ишлаш кўнимаси, коммуникатив кўникмалар, бошқа шахсларга таъсир кўрсатиш кўникмалари, ахборотларни олиш ва қарорлар қабул қилиш, когнитив, функциональ, шахсий ва ахлоқий компетенциялар (аниқ вазиятлар таҳлили, ишчанлик ва ролли ўйинлар, компьютерли тренажерлар, тренинглар);
- ўқитиш жараёнида таълим муассасаси амалиётидаги аниқ вазиятлардан фойдаланиш.

2) Жорий назорат жараёнида таълим оловчиларни ўқитишнинг сифатини баҳолаш механизмларининг мавжудлиги ва самарадорлиги.

Мазкур кўрсаткични баҳолашда куйидаги омилларни эътиборга олиш лозим бўлади:

- ҳар бир фан (ўқув модули) бўйича албатта ёзма қисмдан иборат бўлган якуний (зарур ҳолларда – оралик) синовларнинг мавжудлиги;
- ҳар бир фан (ўқув модули) бўйича компетенциялар ривожланиши таълим сифати йўналтирилган назорат шакллари таълим мавжудлиги.

3) Якуний назорат жараёнида таълим оловчиларни ўқитишнинг сифатини баҳолаш механизмларининг мавжудлиги ва самарадорлиги.

Мазкур кўрсаткични баҳолашда куйидаги омилларни эътиборга олиш лозим:

- якуний назоратни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси;
- битирув ишларининг мавзулари ва уларнинг муассасалар ва ташкилотларнинг амалдаги муаммолари билан боғлиқлиги;
- бир ўқитувчига тўғри келадиган битирув ишлари;
- тингловчилар компетенцияларини ривожлантириш назоратининг ташкил этилиши.

4) Ўқитиш сифати назорати.

Мазкур кўрсаткични баҳолашда куйидаги омилларни эътиборга олиш лозим:

- битирув ишларининг тугалланганлик даражаси, битирув ишларидан муассасалар фаолиятида амалий фойдаланиш имконияти;
- оралик аттестациялар жараёнида тингловчиларнинг амалий кўникмаларини баҳолаш.

Шунингдек, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим дастурларидаги *ўқув-услубий таъминотни* баҳолашга эътиборни қаратиш зарур.

Таълим дастурларини ўзини-ўзи баҳолаш жараёнида таълим муассасаси куйидаги маълумотларни тақдим этади:

- таълим дастурининг ҳар бир ўқув модули бўйича ўқув-услубий материалларнинг намунавий мажмуаси;
- ўқув модуллари бўйича тўла ҳажмда ишлаб чиқилган ўқув-услубий материаллар;
- таълим дастури бўйича таҳсил олаётган тингловчилар ихтиёрида бўлган умумий модуллар бўйича ўқув адабиётларининг сони ва сифати;
- таълим дастури бўйича таҳсил олаётган тингловчилар ихтиёрида бўлган мутахассислик модуллари бўйича ўқув адабиётларининг сони ва сифати.
- таълим дастури ихтиёрида бўлган компьютер техникаси тавсифи;
- ўқув модуллари бўйича фойдаланилаётган дастурий маҳсулотлар тавсифи.

Таълим дастурини ташқи баҳолаш жараёнида экспертлар баҳолаш мезонларига (юқори даражада, ўртача, паст, йўқ) мослик даражасини аниқлайдилар ва куйидаги асосий кўрсаткичлар бўйича баҳолашни амалга оширадилар:

1) Дастурнинг ўқув-услубий таъминоти.

Кўрсаткични баҳолашда куйидаги омилларни эътиборга олиш лозим:

- лойиҳалар устида ишлаш учун услубий таъминотнинг мавжудлиги;
- ўйин шаклидаги таълимни ташкил этиш учун, шу жумладан, таълим муассасасининг ўзида, ишлаб чиқилган компьютерлаштирилган имитация моделларининг мавжудлиги;
- ўқув модуллари бўйича тарқатма материаллар, уй вазифаларининг намуналари, якуний битирув ишларини тайёрлаш бўйича услубий тавсияларнинг мавжудлиги;
